

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
Удк 93/99(093)+91(9)(5)

МАҲАММАДИЕВА САОДАТ ИСКАНДАРОВА

XV – XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИЙ
ГЕОГРАФИЯСИ МАНБАЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

5A120304 - Тарихшунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари
(мамлакатлар бўйича) ихтисослиги бўйича магистр академик даражасини
олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: т.ф.н.,
доц.Саидбобоев З.А

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I. БОБ. XV – XVIII асрларда Марказий Осиё тарихий географияси тарихининг ўрганилиши

I.1. Манбаларда Марказий Осиё тарихий географиясининг ўрганилиши.....

I.2. Сайёҳ-элчиларнинг кундалик ва саёҳатномаларида Марказий Осиё тарихий географияси ўрганилиш тарихи.....

II. БОБ. Марказий Осиё тарихий географияси манбаларидаги маълумотларнинг тарихи тарихшунослиги

II.1. Сиёсий-тарихий географияси тарихшунослиги.....18

II.2. Савдо, иқтисодий географиясига доир маълумотлар тарихшунослиги.....23

II.3. Аҳолиси ва этник таркибининг ўрганилиши.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, унинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари кенгайиб, географик билимларга бўлган эҳтиёж ортди. Зеро, географияни яхши билиб борган сари кишининг атроф-муҳит, жамият ва олам ҳақидаги тушунчаси чуқурлашиб, мукаммаллашиб боради; инсон ер, сув ва ҳаво, умуман табиатдаги ҳар бир нарсанинг ўрни, вазифаси ҳамда кадр-қийматини тўлароқ англаб етади.

Давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилтигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим¹.

Тарихий география ер юзининг ўтмишдаги табиати, рельефи, иқлими, сувлари, тупроғи, ўсимлиги, ҳайвонот дунёси, аҳолиси ва хўжалигидан иборат мажмуани ўз ичига олади². Ҳозирги вақтда табиатни, жумладан, унинг тарихини умумий тарзда ёки маълум ўлкалар бўйича инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўрганиш қатор муаммолар-табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, экологик ва бошқа шу каби муаммоларни ҳал этишда аҳамият касб этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, тарихий-географик тадқиқотлар табиат ва жамият тараққиётининг ўтмишдаги ҳолатини аниқлаш ҳамда уни ҳозирги жараён билан қиёслаб тегишли назарий хулосалар чиқариш, амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва шу асосда айрим мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун зарур маълумотлар бера олади. Масалан, Марказий Осиё табиатини ҳар томонлама ўрганиш бугунги кунда жаҳондаги долзарб муаммолар қаторида турибди.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё худудидида аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари-дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати, иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақада

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат. // Мулоқот. 1998. № 5.

² Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 18.

шароитнинг ўзи ана шу элат ва миллатнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақозо этиб келади¹.

Мавзуни ўрганилиш даражаси. Марказий Осиёнинг тарихий географияси учун қимматли бўлган манбалар аҳоли рўйхатлари, хўжалик ҳисоб-китоб дафтарлари, йилномалар, қадимги географияга оид асарлар ҳисобланади².

Манбаларда Марказий Осиё тарихий географиясининг ўрганилиши, сайёҳ-элчиларнинг кундалик ва саёҳатномаларида Марказий Осиё тарихий географияси ўрганилиш тарихи, сиёсий-тарихий географияси тарихшунослиги, савдо иқтисодий географиясига доир маълумотлар тарихшунослиги, аҳолиси ва этник таркибининг ўрганилиши ҳам бугунги кунда бир қанча тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда.

Бундан ташқари маъмурий ҳудудий ҳолати ҳақида Ш. Камолиддинов³, Б. Аҳмедов⁴, О. Бўриев⁵, тадқиқотларида бериб ўтилган бўлса, сиёсий-маъмурий тузилишлари ҳақида Ҳ. Ҳасанов⁶, И. Низомиддинов⁷, Т. Аббаева⁸, Саидбобоев⁹ тадқиқотларида кўриб ўтишимиз мумкин.

Даврий чегараси. Мазкур тадқиқотнинг даврий чегараси этиб, мавзудан келиб чиқиб, XV – XVIII асрлар танлаб олинди.

Кишилиқ жамияти, инсоният цивилизациясининг ривожланиши учун табиат ўзгаришларини ўрганиш муҳимдир, чунки дарёлар ўзанининг ўзгариши, водийларнинг йўқолиб кетиши, суғориш тизимларининг пайдо

¹ Каримов И. А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2010. - Б. 9.

² Саидбобоев З. А. Тарихий география. – Т.: Ношир, 2008. – Б. 23.

³ Камолиддинов Ш. Ўрта аср хариталарида Ўзбекистон. // Фан ва турмуш. 2005. № 2-3, - Б. 21-25.

⁴ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. - Б. 69-105.

⁵ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 8-34.

⁶ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёга саёҳатлар. – Т.: Ўзбекистон, 1954; Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. – Т.: Ўзбекистон, 1964.

⁷ Низомиддинов И. Сайёҳларнинг ёзганлари. – Т.: Ўздавнашр, 1960 й.

⁸ Аббаева Т. Рус ва Ўрта Осиёлик сайёҳларнинг Шарқ ҳақидаги илк маълумотлари (XII – XVII асрлар). – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 23-28.

⁹ Саидбобоев З. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий – картографик маълумотлар (XVI – XIX асрлар). – Т.: Фан, 2008.

бўлиши, кўл ва денгизлар чегараларининг ўзгариши, ўрмонлар ҳайвонот дунёси баъзи турларининг йўқ бўлиб кетиши инсоният тарихини ўзгаришига сабаб бўлувчи омил бўлиши мумкин. Табиий-тарихий география эса ўтган бир неча минг йиллар давомида деярли ўзгаришсиз қолган.

Тадқиқотнинг ана шу чегарада олинганлиги ўша давр тарихий воқелигидан келиб чиққан. Чунки ушбу давр Марказий Осиё тарихий географиясининг шаклланишидан токи тараққиёт даражасига кўтарилган палла ҳисобланади. Шу сабабдан тадқиқотда тарихий-географик маълумотлар ривож, воқеалар давомийлиги назарда тутилиб, Марказий Осиё ҳақидаги дастлабки тарихий-географик маълумотлар баёнига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мақсад ва вазифалари. Ушбу тадқиқотнинг мақсади янги концептуал - методологик ёндошувлар асосида XV – XVIII асрлар Марказий Осиё тарихий географияси манбаларини ўрганилиш тарихини комплекс тарзда ўрганишдан иборат.

Ана шу мақсад асосида диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланди:

– XVIII асрнинг биринчи чорагида тарихий географик билимларнинг юзага келиши ва ўша даврдаги тарихий вазиятга қисқача шарҳ бериш;

– XV – XVIII асрларда Марказий Осиёнинг тарихий географиясини ўрганишда нотўғри тасаввурларга чек қўйишга оид мақолаларни таҳлил этиш, ҳамда уларнинг муаллифлари ишларига тарихшунослик нуқтаи назаридан танқидий ҳолис баҳо бериш;

– мавзу доирасида якуний илмий хулоса тақдим этишдан иборатдир.

Манбавий асоси. XV – XVIII асрларда яратилган тарихий манбалар, яъни Марказий Осиё тарихида тарихий география элементларини А.Р. Беруний, А. Б. Наршахий, Мирхонд, Хондамирнинг тарихий асарларида, Ҳофиз Абрунинг “География” (XV), Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” (XVI), Рўзбихон Исфаҳонийнинг “Меҳмонномаи Бухоро”

(XVI), Амин Аҳмад Розийнинг “Ҳафт иқлим” (XVI) каби тарихий асарлари, тарихий хариталар, шу даврга оид олиб борилган тадқиқотлар ишнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Бу давр учун яна катта аҳамиятга эга бўлган манбалар археологик манбалардир, у ўтган давр иқтисодий тарихини ўрганиш ҳисобига бойиб боради. Марказий Осиёнинг тарихий географияси учун қимматли бўлган манбалар аҳоли рўйхатлари, ҳўжалик ҳисоб-китоб дафтарлари, йилномалар, қадимги географияга оид асарлар ҳисобланади.

Бундан ташқари Марказий Осиё тарихий географиясининг муҳим манбалари антик давр олимлари Геродот, Полиен, Диодот, Квинт Курций Руф асарлари, ўрта асрларга оид Р. Г. Клавихо, Ибн Батутта асарларида, замонавий олимлар А. Бёрнс, Виткевич, П. Демизон, А. Вамбери ва бошқалар асарларида акс этган, яна бир манба бу Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асари муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотимиз учун яна бир муҳим бўлган манбалар Марказий Осиёнинг табиати, ҳўжалиги доир манбалардир. Булар О. Ю. Пославская, Ҳ. Ҳасанов, М. Расулов, И. Ҳ. Ҳамробоев, А. Н. Неъматов ва бошқаларнинг ўрта аср ёзма манбаларига таянган ҳолда очиб беришга ҳаракат қилинган тадқиқот ишларидир.

Мавзунинг илмий янгилиги. Диссертацияда замонавий методологик ёндашувларга асосланиб, XV – XVIII асрлар Марказий Осиё тарихий географияси манбаларини ўрганилиш тарихини ривожланишидаги омиллари ўрганиб чиқилади. Бугунги кунга келиб Марказий Осиёда ушбу даврда мавжуд давлатларнинг географик ўрни, аҳолиси солиштирилиб таҳлил қилинди. Барча жараёнлар, тафовутлар анализ қилиниб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида жуда юқори ўрин тутганлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси. Ишнинг назарий-услубий асосларини тарихийлик, изчиллик, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил тамойиллари, тарихни ёритиш борасидаги холислик, тарихий воқеалар ва

ходисаларни ўрганишга диалектик ёндашув, тарихийлик нуқтаи назарлари ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов асарларида баён қилинган фикр-мулоҳазалар¹, услубий кўрсатмалар тадқиқот ишимизга бош мезон қилиб олинди.

Шунингдек, XV – XVIII асрга оид тарихий-географик хариталар ва манбалар юзасидан олиб борилган тарихий тадқиқотларда қўлланилган назарий-услубий ёндашувлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Мавзунинг амалий аҳамияти. Келтирилган материаллар ва хулосалар Марказий Осиё тарихий географиясини янги маълумотлар орқали ўрганишда, унинг асосини шу мавзуга тегишли илмий адабиётлар билан бойитишда маълум даражада хизмат қилади. Шу жиҳатдан келтирилган маълумотлардан “Тарихий география” каби ўқув курсларини ўқитишда ҳам қўллаш мумкин.

Таркибий тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертацияси кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, ҳамда иловадан иборат.

¹Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7. – Б. 128-152.

I. БОБ. XV – XVIII асрларда Маразий Осиё тарихий географияси тарихининг ўрганилиши

I. 1. Манбаларда Марказий Осиё тарихий географиясининг ўрганилиши

Тарихий география табиат ва жамият тараққиётининг ўтмиши билан боғлиқ кенг тушунча бўлиб, вақт жиҳатидан узок даврни қамраб олади ва бу соҳадаги тадқиқотлар турли манбаларга таянади. Агар қанча қадимги давр учун археологик топилмалар асосида қилинган хулосалар муҳим бўлса, ўрта асрлар тарихи кўпроқ ёзма манбалардан ўрин олган. Дастлабки ёзма манбалар - бу турли жойлардан топилган тош битиклар ва узок мозийда ёзилиб бизнинг давримизгача етиб келган китоблардир.

Ўрта асрлар даври учун эса, бой ёзма мерос мавжуд бўлиб, улар асосан араб, форс ва туркий тилларда ёзилган. Табиийки, тарихий-географик маълумотлар биринчи навбатда географик ва тарихий-географик асарлардан кўпроқ ўрин олган бўлади. Муҳаммад ибн Мусо ал - Хоразмийнинг “Китоб сурат ал-арз”, Абу Зайд Балхий, ал - Истахрий ва Ибн Ҳавқал қаламига мансуб “Китоб ал-маолик ва-л-мамолик”, муаллифи номаълум “Худуд-ул-олам”, Нажиб Бакроннинг “Жаҳоннома”, Самъонийнинг “Китоб ал-ансоб”, Ҳамдаллоҳ Муставфий Қазвинийнинг “Нузхат ал-қулуб” (XIV), Ҳофиз Абрунинг “География” (XV), Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” (XVI), Рўзбихон Исфаҳонийнинг “Меҳмонномаи Бухоро”(XVI), Амин Аҳмад Розийнинг “Ҳафт иқлим” (XVI), Султон Муҳаммад Балхийнинг “Мажмаъ ал-ғаройиб” (XVI), Абулғозийнинг “Шажараи тарокима” (XVII), ва “Шажарайи турк” (XVII), Муҳаммад Тоҳирнинг “Ажойиб ат - табақот” (XVII), Маҳмуд ибн Валийнинг “Баҳр-ул-арор” (XVII), Худойберди ибн Қўшмуҳаммаднинг “Дил ғаройиб” (XIX), Муҳаммад Солиқхўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” (XIX) каби асарлари ана шулар жумласидандир. Қайд этилган манбаларда Марказий Осиёнинг кейинги минг йилликдаги тарихий географияси қамраб олинган ва улардан ўлканинг тоғ,

водий, дашт ва чўллари, маъданлари, сувлари, ўсимликлари, ҳайвонот олами, сиёсий-маъмурий таркиби, этник ҳолати, шаҳар ва қишлоқлари, хўжалиги, халқаро муносабатлари географияси ҳақида маълумотлар олса бўлади. Шу билан бирга, тарихий-географик тадқиқотлар учун тарихий ва бошқа мавзуларга оид асарлар ҳам фойдалидир¹.

Марказий Осиё сайёрамиздаги табиати мураккаб ва маданияти қадимий ўлкалардан бўлиб, унинг тарихий географиясини битта илмий тадқиқотда қамраб олиш мушкулдир, уни алоҳида даврлар бўйича ўрганилса, мақсадга мувофиқ бўлади ва ҳозиргача шу йўсинда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ана шундай тадқиқотлардан О. Сухарева², О. Жўракулов³, Г. Аъзамова⁴, Я. Ғуломов⁵, Р. Раҳимбеков, З. Донцова⁶, М. Абдураимов⁷, каби олимларимизнинг ишларини келтириб ўтимиз мумкин.

Марказий Осиёнинг Темурийлар даври тарихий географиясига оид маълумотлар ўша даврда ёзилган тарихий-географик, тарихий ва бошқа асарлар, ҳужжатлар, тазкиралар, мақомотлар, иншо-ёзишмалар кабилардан ўрин олган. Яхлит ёзма манбалар Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ат-таворих”, Ҳофизу Абрунинг “География” ва “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурийнинг”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Фасих Аҳмад Хавофийнинг “Мужмали Фасихий”, Ибн Арабшоҳнинг араб тилида ёзилган “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Темур”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн”, Мирхонднинг “Равзат ас - сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асарларидир. Шу даврда

¹ Ахмедов Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. Письменные памятники. – Т., 1985. С. 36-39.

² Сухарева О. А. К истории Бухарского ханства (историко географический очерк). – Т.: Фан, 1958. С. 48-52.

³ Жўракулов О. Қашқадарё манғитлари. – Т.: Фан, 1993. –Б. 32.

⁴ Агзамова Г. А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. – Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б. 45.

⁵ Ғуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т.: Ўзфанакадемнашр, 1959. –Б. 23.

⁶ Раҳимбеков Р. У., Донцова З. Н. Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи – Т.: Ўқитувчи, 1982. –Б. 74.

⁷ Абдураимов М. А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI - первой половине XIX веке. – Т.: Фан, 1970. –Б. 58.

Самарқандга Испаниядан элчи бўлиб келган Руи Гонзалес де Клавихонинг кундалигида ҳам қимматли тарихий - географик маълумотлар бор.

Яна бир маълумотга қараганда, 1414 йилда Ҳирот ҳокими Шохрухга арабча ёзилган жуғрофия китобини тақдим қилишган. Бу “Китоб ал-масолик ва ал-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар китоби”) эди. Бу асарни “Ашкол ал-ақолим” (“Иқлимлар сурати”) деб ҳам аташади.

Шохрух Ҳофиз Абруга бу китобни форс тилига таржима қилишни буюрган. Ҳофиз Абру бу китобни таржима қилар экан, унга ўзининг кўрган-билганларини ва бошқа китоблардан ўқиганларини ҳам қўшган, шу тарзда янги бир асар яратган ва унга “Зубдат ат-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”) деб номлаган. Бу асарда Ҳиротдан Хитойга юборилган элчилар сафида борган Ғиёсиддин Наққошнинг сафар хотиралари, Амир Темурнинг қаттиққўллиги, 1383 йилда Ҳиротга қилган юришлари ҳам баён этилган.

Ҳофиз Абрунинг географик мероси асосан икки соҳада ёрқин кўринади: географик тасвир (матн) ва суратлардир.

Асарнинг мундарижаси қуйидагича: дастлаб оламнинг умумий баёни берилган, етти иқлимнинг қисмлари таърифланган. Ундан сўнг океанлар, денгизлар, кўллар ва тоғлар, сўнгра айрим вилоятлар (Араб диёри, Мағриб, Рум, Арман, Ироқ, Хуросон ва бошқалар)нинг “масофалари”, яъни ер майдони ва табиий шароитлари баён этилган. Энг охирида йирик шаҳарлар (Ҳирот, Марв, Балх, Машҳад ва бошқалар) таърифланган.

Бу қўлёзмада география қисми Санкт – петербургдаги нусхасидан ҳам яхшироқ ёзилган. Масалан, Жайхун дарёсининг таърифи анча мукаммал даражада берилган. Мовароуннаҳрга доир маълумотлар ёзилган баъзи саҳифаларни Оксфордда сақланаётган нусхасидан олинган. Ҳофизи Абрунинг асарида ёр юзининг умумий обзорида кейин айрим мамлакатларнинг тавсифи берилган.

Оксфорддаги қўлёзмада Мовароуннаҳр баёни: “Ернинг маъмурасидаги Мовароуннаҳр аксари етти иқлимнинг бешинчисидадир. Бу мамлакат ғарб

томонда Холиндот оролларида 95 даражадан бошланади - бу Хоразмнинг узунлигидир ва то Қошғар ва Хўтангача - уларнинг узунлиги 107 даража, яъни, 12 даражага ёйилган.

Кенглиги тўртинчи иқлимнинг охири ва бешинчи иқлимнинг бошидаги Омуя (шаҳри) ва Жайхундан тобешинчи иқлим охиридаги Чоч ва Фарғонагача ва олтинчи иқлим бошланишидаги Қошғар ва Олмалиқгача бўлиб, 39 даражадан то 44 даража (шимолий кенглик)гача, яъни 5 даражага ёйилган. Мовароуннахрнинг шарқий чегараси-шимолга мойил тарафда-Қошғар ва Хўтан мамалакатлари то Мўғулистон чегарасига қадар ва ундан сўнг Уйғур ерларидир. Аммо ғарбий тарафда, шимолга тутшиб туришида Дашти Қипчоқ ва Ўзбек диёри ва Туркистондир. Аммо Мовароуннахрнинг шимолий тарафи олтинчи иқлимга ўтади, у ерда Олмолиқ ва Баласоғун бор, булар Туркистон вилоятидир”¹.

Ёзма манбалардаги тарихий-географик маълумотлар ана шу манбаларни тўла ёки уларнинг айрим қисмларини нашр этиш ва таржима қилиш, қисқача тавсифлаш, уларга таяниб илмий тадқиқотлар ёзиб чоп этиш йўли билан жамоатчилик эътиборига етказиб борилади. Темурийлар даври тарихига бағишланган ҳозирги мавжуд тадқиқотларнинг асосий қисми тарихий мавзулардан иборат ва тарихий географияга дахлдор илмий изланишлар жуда кам².

Тарихий география анча кенг мавзу бўлгани учун, ушбу тадқиқотда ҳам Марказий Осиёнинг Темурийлар давридаги тарихий географиясини тўла қамраб олиш имкони бўлмади ва айрим лавҳалар бериш билан чекланди. Унда Темурийлар давлатининг маъмурий-худудий бўлиниши, Марказий Осиёнинг XIV – XV асрлардаги табиати ва ҳўжалиги, Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари географияси, темурийлар даври манбаларида

¹ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т., 1965. – Б. 153.

² Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 186.

Марказий Осиё худудида қайд этилган жой номлари каби мавзулари ёритилган.

Ҳирот шаҳри ҳақида айниқса ўрта аср ёзма манбаларида талайгина маълумотлар мавжуд. Ҳиротлик Сайф ибн Муҳаммад ибн Яъқубнинг “Тарихномаи Ҳирот” (XIV аср), Ҳофизи Абрунинг тарихий-географик асари (XV аср), Муиниддин Исфизорийнинг “Китоб равзат ул-жаннот фи авсоф мадинати Ҳирот” (XV аср) Хондамирнинг (1475 – 1534) “Хулосат ул-аҳбор фи аҳвол ал-аҳёр” (“Хайрли кишилар аҳволида (жаҳон) хабарларининг хулосаси” (1498 – 1499 йиллар орасида ёзилган) каби асарлари ана шундай манбалар жумласидандир.

Ҳирот шаҳрининг ўтмишдаги энг юксалган даври XV асрга тўғри келади. Дастлаб Шоҳрух ҳукмронлиги замонида (1405 – 1447) у Шарқдаги машҳур шаҳарлар қаторида танилди. Султон Ҳусайн Бойқаро (1469 – 1506) замонида келиб Ҳирот яна равнақ топди ва унинг бу даврдаги юксалишида улуғ шоир Алишер Навоийнинг хизмати айниқса катта бўлди.

Ҳиротдаги йирик иморатлар асосан Шоҳрух подшолиги даврида қурилган. Бу даврда асосий қурилиш ишлари 1405 йилдан бошланган эди. Шоҳрух замонидаги иморатлар узоқ вақтлар давомида шаҳар меъморчилиги асосини ташкил қилиб келди. Улардан баъзилари ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолган¹.

Қуйида Ҳирот шаҳрининг XV асрдаги тарихий-географик ҳолати ҳақида Ҳофиз Абрунинг “География” асарида маълумот берилади.

Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сидан бир мисол: “Ҳазрат (Соҳибқирон Омўя дарёсидан) кечув жойни қидириб, синчковлик билан ҳар томонга назар солиб чиқиб Бўрдолиғ этагидан ўтиш жойини ихтиёр этди. Амирларга тўрт юз отлик билан дарёнинг қуйи томонига юришни буюрди,

¹Ҳофиз Абру. География ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 5361 (форс тилида).

Ўзи эса икки юз киши билан чошгоҳда сувга кириб, кеч пешинда у томондан сузиб чиқдилар”¹.

Иқлимдаги нисбий намгарчилик ўсимлик дунёсига ҳам таъсир этган ва ўт-уланлар қалин ўсишига, ҳайвонот оламининг бойлигига ва турлари кўплигига имконият яратган.

Ёзма манбаларда Амир Темурнинг Марв атрофларида, Кеш суви (Қашқадарё) ва Зарафшон дарёси этакларида, Сирдарё соҳлларида, Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида қишлаб ов билан шуғулланганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Темурийлар даври ёзма манбаларида Ўрта Осиё тоғлари ҳақида маълумот нисбатан кам. Ҳофиз Абрунинг “География” асарида тоғлар, ҳозирги фанда мавжуд услубда йирик тизмалар тарзида тавсифланган. Ана шундай йирик тизмалардан бири Чин (Хитой) ҳудудидан бошланиб, ғарбга давом этиши, Фарғона ва Уструшана ҳудудидан, сўнгра Кеш ва Самарқанд оралиғидан ўтиб тугаши ёзилган. Бу тизманинг Самарқанд ёнидаги қисми Самарқанд Гарчистони номи билан аталган. Марказий Осиёнинг жанубида эса Бадахшон тоғлари (Кўҳистони Бадахшон), унинг ғарбдаги давоми эса, турли қисмида турлича – Панжоб, Бомиёни Балх, Разна тоғлари номлари билан тавсифланган. Сирдарёнинг юқори ҳавзасида Туркистон тоғлари, Самарқанд яқинида ҳозирги Нурота тоғлари (номи кўрсатилмаган) ва Бухоро тоғлари борлиги ҳам қайд этилган².

Юқорида кўрсатилган тоғлар номларини ҳозирги картага қуйиб қиёслайдиган бўлсак, у ҳолда қуйидагича бўлади: Туркистон тоғлари Марказий Тяньшань ва Олой тизмалари; Кўҳистони Бадахшон – Помир; Самарқанд Гарчистони – Зарафшон ва Туркистон тизмаларининг ғарбий қисми; Олақасроқ тоғлари – Зарафшон тизмасининг ғарбий бир бўлаги;

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари. 1360 – 1370. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи О. Бўриев. Маъсул муҳаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев. – Т., 1994. – Б. 122.

² Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т., 1965. – Б. 23.

Бухоро тоғлари -Оқтош тоғлари. Ҳозирги Ҳиндукуш, Паропамиз, Копетдоғ ва Элбурс тоғ тизмалари кўрсатилган.

Марказий Осиё тоғларида турли фойдали қазилмалар ҳам бўлган ва бу ҳақда X – XII асрлар ёзма манбаларида ҳам, XV аср манбаларида ҳам маълумот бор. Ўлка ҳудудида олтин, кумуш, мис, қалайи, темир, тошкўмир нефть каби маъданлар мавжудлиги ёзилган. Кеш яқинидаги тоғлардан қизил туз қазиб олинган ва кундалик эҳтиёжда ишлатилган, Ўзганд яқинидан нашатир олинган.

Темурийлар даврида Марказий Осиё ва Хуросонда кўплаб, янги суғориш тармоқлари барпо этилиб, ободончилик ишлари кенг йўлга қуйилган эди. Бу ишлар Амир Темури давридаёқ бошланган. Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида боғ-роғлар яратилган. Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Биҳишт, Боғи Булдо, Боғи амирзода Шохрух, Боғи Зоғон, Боғи Баланд, Боғи амирзода Улуғбек, Боғи Майдон каби боғлар номлари Ҳофиз Абрунинг “География” асарида санаб ўтилган. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида, юқорида кўрсатилганларга қўшимча, Самарқанд вилоятида яна Тахтиқорача, Қаротуба ва Давлатобод боғлари номлари ҳам эслатилади. Жумладан, Боғи Биҳишт ҳақида Али Яздий шундай ёзади: “Шу йили (1377 йил) Ҳазрат Соҳибқирон амир Мусонинг пушти камаридан бўлган маҳди аъло Туманоғони шариатга мувофиқ туй-ҳашам қилиб ўз никоҳига олди¹.

Бу ҳақда тезда фармон берилди ва Самарқанднинг ғарбида юлдузлар уй (бурж)ларининг сонига мувофиқ ҳолда бир-бирига туташ ўн иккита боғдан иборат битта боғ яратдилар. Унда бир муҳташам кўшк ҳам қўрдилар,

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари. 1360 – 1370. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи О. Бўриев. Маъсул муҳаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев. – Т., 1994. – Б. 154.

яхшилаб безадила ва номи ҳам ўзига мос қилиб қуйилди, яъни “Боғи Биҳишт” деб аталди”¹.

Самарқанднинг Темурийлар давридаги боғлари ҳозирги илмий тадқиқотларда яъни, В. Л. Вяткин, В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовский, У. А. Алимов ишларида кенг ёритилган. Умуман, ўша пайтларда Самарқанд вилояти ҳозиргига қараганда анча катта ҳудудни ўз ичига олган бўлиб, Ўратепа ҳам Самарқанд туманларидан ҳисобланган. Вилоятнинг шарқий чегараси Сирдарёгача бўлган. Ҳофиз Абру Самарқанд вилояти таркибига қуйидаги туманларни киритади: Шовдор, Ўратепа, Иштихон, Ёркент, Еряйлоқ, Анҳори Жадид, Сўғд Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги чегара тахминан Нурота тоғларининг ғарбий этагидан ўтган. Ҳофиз Абру Самарқанд атрофида Жуйбори бозор, Жуйбори Маздохин, Жуйбори Обираҳмат, Жуйбори Коранда, Жуйбори Жадид ариқларини санаб, улардан 72 та қишлоқ сув ичишини қайд этган. Самарқанд, Бухоро, Кеш, Насаф, Тошкент вилоятларидаги туманлар, қишлоқлар, экинзорлар ва бошқалар ҳақида XV аср ер-мулк ҳужжатларида ҳам анча батафсил маълумотлар бор².

Хуросон тавсифида эса, ҳар бир вилоят, ундаги булук (туман)лар, экинзорлар номлари берилган ва Ҳофиз Абру бу маълумотларни девон дафтарларидан олганлигини айтади (Ҳофиз Абрунинг “География” асаридан Ҳирот вилояти булуклари рўйхати ушбу бобнинг охирида таржима - лавҳалар қисмида берилди).

Темурийлар даврида Марказий Осиё ҳудудида жойлашган йирик аҳоли масканлари тарихий-географик нуқтаи назардан йирикроқ шаҳарлар ва шаҳар-қўрғонлардан иборат бўлган. Ёзма манбаларда ҳам айрим аҳоли масканлари номидан сўнг “ҳисор” (қўрғон) атамаси келади (Каркин ҳисори, Кот қўрғони). Мовароуннаҳрда: Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз),

¹ Амир Темур аجدодлари (Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида терма-таржима). Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Омонулло Бўриев. Маъсул муҳаррир А.Ўринбоев. – Т., 1992. – Б. 162-166.

² Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи. – Т., 1984.

Хўжанд, Тошкент, Шоҳрухия, Ахсикат, Андигон, Ўзганд, Ўтрор, Термиз, Хоразм (Урганч), Ҳисори Шодмон; Хуросонда: Ҳирот, Балх, Марв; Шарқий Туркистонда: Оқсув, Қошғар, Ёркент, Хўтан, Турфон, Қумул ёзма манбаларда шаҳарлар сифатида қайд этилган. Айни пайтда бу шаҳарлар ҳам девор билан қўрғон қилиб ўралган бўлган. Оқсарой (Хатлон вилоятининг маркази), Чағоно (Чағониён), Қарши (Насаф), Занжирсарой, Каркин, Хива (Хивак), Кот, Дизак, Ўратепа, Саброн, Сигноқ, Сайром, Ашпара (Ошпара) кабилар манбаларда кўпроқ шаҳар-қўрғонлар сифатида тилга олинади¹. Булардан ташқари, нисбатан кичикроқ шаҳарлар ҳам бўлган ва улар учун “касаба” атамаси қўлланилган. Бундай аҳоли масканлари учун баъзан “кичик шаҳар”, “унча катта бўлмаган шаҳар” иборалари ҳам қўлланилган. Масалан, Ҳофиз Абрунинг “География” асарида Бухоро вилоятидаги Кармина “касаба” ва Дабусия “кичик шаҳар” деб ёзилган². Бу шаҳар Бухоро билан Самарқанд орасида, ҳозир Самарқандга тегишли қалъаси бор, уни султон Жалолиддин курган, Дабусиядан Кушонгача 5 фарсанг бўлган.

I. 2. Сайёҳ-элчиларнинг кундалик ва саёҳатномаларида Марказий Осиё тарихий географияси ўрганилиш тарихи

Кейинги минг йил ичида араб ва форс тилларида ёзилган асарлар ичида Марказий Осиё тарихий географияси ҳақида озми-кўпми маълумотлар адабиётларда, сайёҳ-элчиларнинг кундалик ва саёҳатномаларида учрайди ва улар сафар хотиралари, савдогарлар, сайёҳлар ёки шунчаки мушоҳидлар хабарларига таяниб ёзилган. Бунга Ибн Хурдодбех (820 – 913), Истахрий (850 – 934), Ибн Ҳавқал (976 – йилда вафот этган), Ибн Сайд (XIII аср), ал-Идрисий (1110 – 1161), Абу-л-Фидо (1273 – 1331) ва бошқа олимларнинг асарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу сабабдан бўлса керак, шарқшунос олим В. Минорский “Марко Поло саёҳатидан ҳали 300 йил

¹ Ҳасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т., 1965. – Б. 65.

² Ҳофиз Абру. География ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 5361 (форс тилида)

илгари мусулмонлар” Испания ва Марокашдан тортиб то Тибет ва ҳатто Хитойдан ҳам шарқдаги ерлар, элатлар, йўллар ва савдо моллари ҳақида анчагина аниқ маълумотга эга эдилар-деб ёзган эди¹.

Яна бир маълумотга қараганда элчилар азим дарё бўйига келган пайшанба куниёқ дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олдилар. Ўша куни кечкурун Термид (Термиз) деган катта шаҳарга келдик. Шаҳар илгари Кичик Ҳиндистон (Афғонистон)га қарам эди. Темурбек забт этганлиги туфайли у эндиликда Самарқанд салтанатига қарайди².

Мазкур дарёдан Самарқанд салтанати бошланади. Самарқанд салтанати мамлакати Моғалия³ деб аталади. Улар мўғул тилида сўзлашадилар⁴. Бошқа мамлакатдаги пасткам тоғ қояларидан бошланган дарё Самарқанд мамлакати саҳролари бўйлаб оқади, Татар (Мовароуннахр) ерларидан ўтиб, Боку (Каспий) денгизига⁵ қуйилади. Амударё Самарқанд салтанатини Хуросон подшолигидан ажратиб туради.

Яна шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, Араб халифалиги таркибидаги мамлакатлар аҳолиси, Осиёлик олимлар асарларида ўрин олган. Булар ал-Хоразмий (IX аср), Жайҳоний (X аср), Абу Зайд Балхий (X аср), “Ҳудуд-ул-олам” (X аср) асарини ёзган номаълум муаллиф, Абу Райҳон Беруний (XI аср), Махмуд Қошғарий (XI аср), Тоҳир ал-Марвазий (XI аср), ас-Самъоний (XII аср), Муҳаммад Авфий (XIII аср), Нажиб Бакрон (XIII аср), Ҳофиз Абрӯ (XV аср), Ғиёсиддин Наққош (XV аср), Абдураззоқ Самарқандий (XV аср) ва бошқалар.

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991. – Б. 210.

² Термиз шаҳри Клавихо даврида Балх ҳокимлиги тобелигида бўлган. Шу боисдан, испан элчиси бу шаҳарни Кичик Ҳиндистонга (яъни Афғонистонга) қарам эди.

³ Ўрта асрларда Чигатой улуси номини олган Мовароуннахрни мағрибдагилар шундай деб аташган.

⁴ Бу нотўғри тасаввур. Клавихо мағрибликлар тасаввуридан келиб чиққан ҳолда туркий тилни “мўғул тили” деб атамоқда. Туронзамин аҳолиси қадимдан туркий ва қисман форсий тилларда сўзлашиб келишган.

⁵ Клавихо даврида Амударёнинг бир қисми Каспий денгизига қуйилган. Буни тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди. Масалан, хоразмлик муаррих Абулғози Баҳодирхон (1603-1663) Амударёнинг бир қисми Мозондарон (Каспий) денгизига қуйилади, деб ёзиб қолдирилган. Аму кейинги замонларда ўз ўзанини ўзгартириб, тўла-тўқис Орол денгизига қуйиладиган бўлган. Ҳофизи Абрӯ ҳам шундай маълумотни қолдирган.

Марказий Осиёлик олимлар асарларида Шарқий Туркистоннинг географик ўрни, табиати, хўжалиги, шаҳарлари, халқлари, урф-одатлари, савдо йўллари ҳақида ва бошқа маълумотлар бор. Масалан, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг “Китоб сурат ул - арз” (“Ернинг сурати китоби”) асарида шаҳарлар жойлашишига қараб Ўрта Осиёдан Хитойга икки йўналишда (шимолий - Еттисув орқали, жанубий - Фарғона водийси орқали) борадиган йўللарни кўриш мумкин.

“Худуд-ул-олам”да Хитойдан савдогарлар олтин, ипак, ипак матолар, махсус гил олиб келганликлари қайд этилган. Абу Райҳон Берунийнинг “Қонуни Масъудий”сида Шарқий Туркистоннинг йирик шаҳарлари рўйхати, уларнинг географик кенглик ва узунликлари берилган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғот-ут-турк” ва Нажиб Бакроннинг “Жаҳоннома” асарларида бу ўлкаларнинг тоғу тошлари, қазилма бойликлари тавсифланган¹.

Мўғуллар даврида (XIII – XIV асрлар) европаликларнинг (масалан, Плано Карпини, Гильом Рубрук, Марко Поло) Мўғулистонга саёхатлари ҳам, шунингдек, кейинги XIV – XV асрлардаги иқтисодий муносабатлар ҳам бунга мисол бўла олади ва бу ҳақда юқорида қисман қайд этилди. Хитой солномаларида 1403 – 1449 йиллар давомида Хитойга Самарқанддан ўттиз уч марта ва Хиротдан ўн тўрт марта, шунингдек, Темурийлар давлатининг бошқа вилоятларидан ҳам бир қанча элчилар келганлиги қайд этилган. Бу ҳақда Темурийлар даврида ёзилган тарихий асарларда ҳам маълумот бор. Жумладан, Ҳофиз Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асарида ва у орқали Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матла ас -саъдайн” китобида Хитойдан келган ва темурийлар давлатидан юборилган элчилар ҳақида хабар берилади. Ҳар икки томондан ҳукмдорлар ўзлари йўллаган мактубларида дўстлик

¹ Худуд ул-олам / Масъул муҳаррир Мирсодиқ Исҳоқов. – Т.: О’zbekiston, 2007. – Б. 64.

муносабатлари ўрнатиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашни алоҳида таъкидлаганлар¹.

Ғиёсиддин Наққош сафарномаси яхлит ҳолда бизгача етиб келмаган. Уни, дастлаб айрим таҳрирлар билан тарихчи Ҳофиз Абру ўзининг “Зубдат ат-таворих” асарида берди ва ундан бошқа тарихчилар, чунончи Абдураззоқ Самарқандий ўз асарларига киритганлар. Бу сафарнома ҳозирги вақтда форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган. Қуйида ушбу сафарномадан Марказий Осиё тарихий географиясига доир айрим маълумотлар ҳам бор².

Ушбу топонимлар рўйхатидан, XIV – XV асрларда Марказий Осиёда жой номлари сон жиҳатдан кўп ва мазмунан хилма-хил эканлиги маълум бўлади. Жой номларининг бир қисми турли тарихий воқеалар баёни, жумладан, ҳарбий юришлар муносабати билан эслатилади. Бир гуруҳ, номлар эса, ўша пайтда мавжуд девон дафтарлари, яъни подшоҳ девонида солиқлар қайд этилган дафтарлар асосида келтирилган. Масалан, Ҳофиз Абру “География”сида Хуросон ўлкасининг вилоят, туман (булук) ва қишлоқлари муфассал рўйхат қилиб берилган ва бу маълумотлар девон дафтарларидан олинганлиги таъкидлаб ўтилган. Ҳофиз Абру асаридан Ҳирот булуклари рўйхати олдинги бобларда келтирилди. Баъзи ҳолларда манбаларда жой номларининг келиб чиқиши (этимология) ҳақида ҳам қисқа маълумот берилган. Масалан, Ҳофиз Абрунинг “География” асарида топонимлар нинг этимологияси ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Ўша давр ёзма манбаларида ёзилишича, Соҳибқирон Рум мамлакатига қилган юриши чоғида Ғарбий Европадаги қатор мамлакатлар билан элчилик алоқалари олиб борган. Амир Темур давлати билан Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасидаги дипломатик алоқалар географияси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун Ғарб давлатларининг ўша даврдаги сиёсий аҳволи ҳақида қисқача хулоса қилиб ўтиш лозим бўлади³.

¹ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларда Марказий Осиё. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 128.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991. – Б. 56.

³ Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т., 1994. – Б. 34.

Бу даврда Марказий Осиё тарихида сиёсат, иқтисодий ва маданий юксалиш бўлганлиги кузатилади. Темурийлард авлатига Мўғулистон, Тибет, Хитой, Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Кичик Осиё, Кавказ, Волгабўйи, Ўрал ўлкаларидан савдо карвонлари ва элчилар келган. Жумладан, Шимолий Ҳиндистондан 1411, 1416, 1421 йилларда элчилар келиб, 1442 йили Абдураззоқ Самарқандий (яшаган йиллари 1413 – 1482йиллар) бошчилигида Ҳиндистонга элчилар юборилганлиги маълум. Абдураззоқ Самарқандий денгиз йўли орқали Жанубий Ҳиндистонга бориб келган ва ўз сафари ҳақида кундалик ҳам ёзиб қолдирган. Кундалик ҳозирги вақтда форс тилидан ўзбек тилига ҳам таржима қилинган¹.

Марказий Осиёнинг XV аср биринчи чорагидаги савдо-элчилик алоқалари Хитойда император Чжу-ди (1404– 1424) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Хитойда ҳамана шу йилларда иқтисодиёт, маданият ва савдо ривожланган; Нанкин, Пекин, Сучжоу, Сунцзян, Ханчжоу, Гуанчжоу ва бошқа шаҳарлар ҳунармандчилик ва савдо-сотик марказларидир².

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Марказий Осиё билан Хитой ўртасида савдо-элчилик алоқалари анча қадимдан мавжуд бўлган ва бу ҳақда маълумот манбаларда ҳам акс этган.

Ободончилик-табиат билан жамият муносабатига дахлдор фаолият маҳсулидир. Табиат эса, ўз навбатида, рельеф, иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олаmidан таркиб топган географик элементлар мажмуасидан иборат. Ҳозирги даврда ернинг табиатини, умуман ёки айрим ўлкалар миқёсида тарихан ўрганилиши қатор вазифалар, табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, табиий бойликларни аниқ белгилаш ва турли экологик муаммоларни ҳал этиш нуктаи назаридан муҳимдир. Марказий Осиё табиатини тадқиқ этиш жаҳон миқёсидаги биринчи галдаги вазифалар қаторига кўчди (масалан, Орол денгизининг тақдири). Ер шари

¹ Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. – Т., 1960. – Б. 65.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991. – Б. 231-235.

табиатини жамият тараққиётининг маълум бир босқичида ўрганишда ёзма мероснинг аҳамияти катта. Зеро, унда табиатнинг турли элементларига дахлдор маълумотлар қайд этилган, жумладан, темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё табиати ва унда жамиятнинг тутган ўрни ҳақида анчагина қимматли маълумотлар бор. Бу маълумотларни тарихий-географик талаб асосида жамлаш, маълум тартиб ва услубда тадқиқ этиш натижасида ўлка табиатининг бугунги ҳолатини кўрсатиш, жамият фаолиятига баҳо бериш ва тегишли хулосалар чиқариш учун имкон туғилади. Шу боис, ушбу бобда дастлаб, темурийлар даври ёзма манбаларидаги Марказий Осиё табиати ҳақида берилган маълумотларга тўхтаб, сўнгра, ободончилик хусусида фикр юритилади.

Каспий денгизи ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, Темурийлар даври ёзма манбаларида ички сув ҳавзаси шаклида, асосан, Хазар денгизи номи билан тилга олинган. Шу билан бирга, унинг Обискун денгизи, Гургон денгизи, Дарбанд денгизи, Гилон денгизи каби номлар билан аталиши ҳам қайд этилган.

Орол денгизи эса, ҳозирги вақтда денгизнинг масаласи жаҳон миқёсидаги катта экологик муаммога айланганлиги сабабли, у ҳақдаги ёзма маълумотларга бирмунча кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

Орол денгизига бағишланган ҳозирги замон илмий тадқиқотлари XIX асрдан бошланган ва шу кунгача давом этиб келмокда. Ёзма манбаларга асосланган асосий тадқиқотлардан голланд олими де Гук, рус олимлари В. В. Бартольд ва Л. С. Берг асарларини кўрсатиш мумкин¹.

Юнон олимлари Александр Македонскийнинг юришлари муносабати билангина Марказий Осиё, жумладан, Каспий денгизи ҳақида бирмунча аниқ маълумотларга эга бўлдилар. Кўпчилик юнон олимлари Каспий денгизини дунё океанининг қўлтиғи, деб билганлар. Лекин Геродот бу денгизни дунё

¹ Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XVII века. // Соч. т. III. – М., 1965. – С. 74.

океани билан туташмаган берк ҳавза, деб тўғри тасаввур этган. Шунингдек, атроф тоғлардан қандайдир Ак номли дарё оқиб чиқиши ва бу сув оқиб ўтган водий хоразмликларга тегишли эканлигини ҳам ёзган; бироқ унинг бирор жойга қуйилиши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Дарёнинг Хоразм ўлкасида эканлигини эътиборга олинса, у ҳолда Геродот Амударё ҳақида ёзган, деб фараз қилиш мумкин, холос. Милоднинг бошларида яшаб ижод этган машҳур юнон олими Клавдий Птолемей эса, ўзининг “География” номли асарида, дунё ўлкалари қаторида, Марказий Осиё картасини ҳам тузган. Птолемей картасида Амударё (Окс) ва Сирдарё (Яксарт) Каспий денгизига бориб қуйилади. Фақат милоднинг IV асрига келибгина, рим олими Аммиан Марцеллин Сўғд тоғларида иккита Араксатва Дима дарёлари оқиб чиқиши, уларда кемалар қатнай олиши ва улар текисликда қуйи хавзасида катта Окс ботқоқлигини ҳосил қилиши ҳақида хабар беради. Марцеллин ёзганларини Орол денгизи ҳақида ғарб мамлакатларида келтирилган биринчи ёзма маълумот деса бўлади.

Милоднинг 568 йили Византия подшоси ҳузуридан Турк хоқонлигига Земарх бошчилигида элчи юборилди. Элчилар қайтишда Орол денгизи бўйидан юриб ўтган, деган тахмин мавжуд. Чунки бу элчилик ҳақида ёзган Менандр Протектор элчиларнинг Оих дарёсидан ўтганлиги, сўнгра бир катта кўлнинг қумли қирғоқлари ёқалаб Ик (Эмба) дарёсига, сўнгра Даих (Ёйиқ, Урал) дарёсига етиб келганлигини ёзган.

Хитой манбаларида Марказий Осиё, жумладан, Орол денгизи ҳақида маълумотлар ҳам анча қадимги даврга оид бўлиб, улар Буюк Ипак йўли очилиши билан боғлиқдир. Милоддан аввал 138 – 126 йилларда хитой сайёҳи Чжан Цянь Марказий Осиёга саёҳат қилиб, Фарғона водийси ва Сўғдиёнадан ўтиб Балхгача борган, у ўз саёҳатномасида Фарғона водийсидан шимоли-ғарбда Кангюй ўлкаси, ундан шимоли-ғарбда Яньцай ўлкаси борлиги ва у катта бир кўл соҳилида жойлашганлигини қайд этган. Чжан Цянь бу кўлни “Шимолий денгиз” деб атаган. Милоднинг бошларида ҳам хитойлар Орол

денгизига борган, деган тахминлар бор. Кейинрок, VI аср хитой манбаларида Сирдарё-Яоша ва Амударё-Уху номлари билан тилга олинган¹.

Қадимги хитой манбаларида Орол денгизи ҳақида узил - кесил аниқ маълумот берилмаган бўлсада, бироқ унинг мавжудлиги ҳақида эслатиб ўтилган.

Араб халифалиги ташкил топгач, шарқда Марказий Осиёдан то ғарбда Испаниягача бўлган мамлакатлар ягона сиёсий бирлик таркибига кирди ва унинг пойтахти Бағдод шаҳри эди. Савдо-сотик ривожланди. Бағдод шаҳри нафақат сиёсий, балки маданий марказга ҳам айланиб, унда илм-фан юксалишига катта эътибор берилди; турли мамлакатлардан олимлар йиғилиб Академия ташкил топди. Бу Академияда Марказий Осиёлик олимлар жуда фаол иштирок этдилар. Мамлакатлараро савдо ва элчилик муносабатларининг кенгайиб бориши натижасида географик билимларни ривожлантиришга эҳтиёж ортди. Бағдод олимлари ичида энг машҳурларидан бири хоразмлик Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (IX аср) ҳам ижод қиларди. У географияга оид “Китоб сурат ал-арз” (“Ер сурати китоби”) номли асари билан (IX асрнинг биринчи ярмида ёзилган) Шарқда география фанига асос солди. Бу асардан Марказий Осиёга оид анчагина қимматли маълумотлар ўрин олган.

Ал-Хоразмий келтирган маълумотларга кўра, Амударё (Нахри Балх) ва Сирдарё (Узун дарё) бир кўлга қуйилади, Каспий денгизи эса ўзи яхлит, алоҳида берилган. Кўл (яъни Орол денгизи) чекка нуқталарининг координаталари ҳам берилган: узунлиги 86°30'-90°, кенглиги 30° 10'-42°. Бу кўрсаткичлар Орол денгизи учун берилган биринчи картографик маълумотдир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Марказий Осиёлик олимнинг ушбу маълумоти Орол денгизининг тарихини мусулмон манбалари асосида кенг ёритган олимлар-де Гуче томонидан ҳам, академик В. В. Бартольд

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991. – Б. 87.

томонидан ҳам эслатилмаган. Улар Орол денгизи ҳақидаги дастлабки маълумот ал-Хоразмийдан кейин ижод этган эронлик географ олим Ибн Хурдодбеҳ (820 – 913), сўнгра бирмунча батафсил араб географ олими Ибн Руста (X аср) қаламига мансубдир, деб билганлар.

Ибн Хурдодбеҳ “Ал-масолик ва-л-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар”) асарида Амударё Қурдар кўлига (Орол денгизи; Қурдар - Орол денгизи бўйидаги шаҳар) қўйилади, деб ёзган.

Ибн Руста таъкидлашича, Амударё Хоразм (Кот) шаҳридан 4 фарсах масофа оқиб ўтгач кўл, қамишзорлар, ботқоқликлар ва ўтлоқлар ҳосил қилади, сўнгра дарё ғарбга бурилиб Журжония ёнидан ўтади. Ундан қуйироқда дарёнинг чап ёнидан бир тармоқ ажралади ва Варагдехгача боради. Бу қишлоқ Журжониядан 4 фарсах масофада бўлиб, у ерда Сиёҳқуҳ тоғлари бор. Варагдехдан қуйироқда дарё бир қанча кўллар ҳосил қилган ва уларни Холижон атайдилар. Бу дарё айланаси 80 фарсах келадиган бир кўлга қўйилади; унинг ғарбий қирғоғи бўйлаб Сиёҳқуҳ тоғлари ястанган, шарқда – калин бутазор, шимол томон Қарят-ул-Ҳадиса (Янгикент, Жанкент - Сирдарёнинг қўйи ҳавзасида, X аср) шаҳри жойлашган¹.

Араб географ олими ал-Яъқубий (IX аср) шунингдек, Ибн ал-Фақихнинг (IX – X асрлар) ёзишларига кўра, Амударё Каспий денгизига қўйилган.

Абу Зайд Балхий, ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқалларнинг қаламига мансуб “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” номли асарда (X аср) ёзилишича, Жайхун суви Хоразм кўлига (Орол денгизига) қўйилади, у ерда балиқчилар яшайди. Ул жойни Холижон атайдилар, ғузлар юртига яқиндир. Жайхун дарёси қўйилиш еридан то Шош дарёси (Сирдарё) қўйилган жойгача бўлган масофа ўн кунлик йўлдир (Истахрий асарида 4 кунлик йўл). Бу кўлнинг айланаси 103 фарсах, суви шўр, сув сатҳи ўзгармасдан доим бир хил туради.

¹Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. Т., 1965. – Б. 64.

Мўғуллар истилоси даври (1221) дан бошлаб Хоразм ҳақида ёзма маълумот кам. Ҳамдаллоҳ Муставфий Қазвиний (XIV) “Нузҳат ал-қулуб” (1339 йилда ёзилган) асарида Амударё (Жайхун)нинг баъзи тармоқлари Орол денгизига (Хоразм кўлига) бориб қуйилганини, лекин дарёнинг бош тармоғи Хоразмдан оқиб ўтиши, Хулм (туркийда Гёрлади) остонасидан сўнг Каспий (Хазар) денгизига қуйилиши ҳамда бу жойни Холижон аташларини қайд этган. Ҳамдаллоҳ Қазвиний, шунингдек, Сирдарё (Сайхун) ҳам гоҳ Каспий (Абискун) денгизига, гоҳ Орол денгизи (Хоразм кўли)га қуйилади, деб ёзади. Келтирилган маълумотдан, ўша пайтда Ўзбойдан сув оққан, дейиш мумкин.

XIV асрда араб сайёҳи Ибн Баттута ўз саёҳатида Сарой шаҳридан ўтиб, 1338 йили Хоразмда бўлганлиги ҳам маълум. Бу саёҳатчи Орол ҳақида ҳеч нарса ёзмаган бўлсада, бироқ “Хоразм (Гурганж шаҳри) ёнидан Жайхун дарёси оқиб ўтади”, - деб қайд этади¹.

Темур ва темурийлар давридаги манбаларда ҳам ушбу мавзуга оид озми-кўпми маълумотлар бор. Жумладан, Амир Темурнинг Хоразмга қилган юришлари ҳикоясида Ўзбой эслатилмаган бўлсада, лекин Заҳириддин Маръаший 1392 йили Темур фармони билан Мозандарондан у ердаги ҳакимлар ва сайидлар Каспий денгизи орқали кемаларда Хоразмга юборилганлигини эслатиб ўтган.

XV асрда ёзилган манбалар ичида шу даврда ижод этган тарихчи Ҳофиз Абрунинг (вафоти 1430) “География” ва “Зубдат ат-таворих” (“Тарихлар сараси”) асарида Марказий Осиёнинг сувлари ҳақида айрим маълумотлар келтирилган. Ҳофиз Абру “География” асарида Орол денгизини Жайхун кўли дейди, шунингдек, манбаларда бу кўлнинг Хоразм денгизи аталганини, унинг даврида Балх дарёси (Амударё) ва Хўжанд дарёси (Сирдарё) ўз сувини Хазар (Каспий) денгизига элтиши сабабли, кулнинг суви қуриб қолганини ёзади. Бу фикр Балх дарёси (Амударё) ҳақида ёзганида ҳам (1417) бор; унда, бу дарё ўз ўзанини ўзгартириб, янги ўзан билан чўл орқали

¹ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т., 1993. – Б. 58.

Хазар денгизига оқаётганлиги ва Гёрлади (бошқа номи Ағрича) деган жойга қуйилиши қайд этилган¹. Ҳофиз Абру ёзганларида Амударёнинг қадимги ўзани-Ўзбой назарда тутилган. Тарихчининг “Зубдат ат-таворих” номли асарида XIV аср охирига мансуб тарихий кечинмалар баёнида Амударё сувининг бир қисми пойтахт Хоразм (Гурганж; Урганч) ҳозирги Кўҳна Урганч шаҳри томон оққанлиги ва бу тармоқ Гурлан суви (Оби Гурлан) дейилгани ҳақида хабар берилади. Амир Темурнинг Хоразмга қилган бешинчи юриши чоғида, унинг саркардаларидан бўлмиш Элчи-баҳодир Гурлан сувидан ўтаётганида оти билан чўкиб кетган.

Амударёнинг Орол денгизига йўналган ўзанидан эса, дарё сувининг озроқ қисми оққан, Низомиддин Шомий уни Эски Ўкуз деб тилга олган².

XV аср бошида Мовароуннаҳрда бўлган муаллифлардан Испания элчиси Клавихо (1404) ва тарихчи Ибн Арабшоҳ Амударёнинг Каспий денгизига қуйилишини қайд этганлар; Клавихо бу дарёнинг қуйилиши жойини “Боку денгизи”, Ибн Арабшоҳ эса, “Кулзум денгизи”³ деб ёзганлар.

Юқорида келтирилган ёзма маълумотлардан хулоса қиладиган бўлсак, XIV аср иккинчи ярми ва XV аср бошларида Амударё сувининг асосий қисми Гурлан суви номи билан Урганж (Кўҳна Урганч) орқали Сариқамиш ботиғига оқиб, унда кўл ҳосил қилганлиги ва у ердан Ўзбойга ўтиб Каспий денгизига бориб қуйилгани маълум бўлади.

Хондамирнинг ёзишича, 1460 йили Ҳусайн Бойқаро Астрободдан Хоразмга қочган пайтда Ўзбой орқали Ағричадан то Адоққача келган ва 7 кун деганда Амударёга етган, сўнгра қайиқларда дарёдан ўтиб Хоразмга борган экан⁴.

Орол денгизи ҳақида бевосита бўлмасада, бироқ Сирдарёнинг қуйи қисми тўғрисида Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам маълумот

¹Ҳофиз Абру. География Ўз ФА Шарқшунослик институти кўлёмаси, № 5361 (форс тилида). 34 б варақ.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тауэр нашри. – Прага, 1937; 1956. – Б. 518.

³ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). – Т., 1992. – Б. 153.

⁴Хондамир. Ҳабиб ус-сияр. Жалолиддин Ҳумойи нашри. – Техрон, 1954. – Б. 244-246.

бор: “Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйиға машхурдир, шарқ ва шимолий тарафдан келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, ғарб сари оқар, Хўжанднинг шимоли Фанокатнинг жануби тарафидинким, ҳоло Шохрухияга машхурдир, ўтуб яна шимолга майл қилиб, Туркистон сари борур. Туркистондан хейли қуйироқ бу дарё тамом қумга сингар, ҳеч дарёга қотилмас.

XVI аср Хоразм тарихига оид маълумотлар, асосан, Абулғози Баҳодирхоннинг (1603-1664 йиллар) “Шажарайи тарокима” асарида берилган. У ўзидан олдинги давр учун маълумотни оғзаки хабардан олганини ва ёзма манбалар йўқлигини айтган. Унинг Ўзбой ҳақида ёзганлари XVI асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Жумладан, Амударёнинг Урганч (Кўҳна Урганч) дан қуйидаги қисми учун шундай ёзилган: “Ул вақтда (XVI аср бошларида) Урганчдин Абулхон (Балхан) бормоқ бу авулдин ул овулга боргантек эрди. Анинг учун Аму суви Урганчнинг қалъасининг тубиндин ўтуб Абулхон (Балхан) тоғининг кун туғишина бориб, тоғнинг тубина тегиб, қибла тарафиндин ўргулиб, кун ботишига бориб, андин ўтуб Уғурча бориб Мозандарон (Каспий) тенгизина қуяр эрди.. Ободонлик ва маъмурликнинг ҳеч ниҳояти йўқ эрди”.

1558 йили Хоразмга инглиз сайёҳи ва элчиси Антоний Женкинсон келиб кетди ва ўз саёҳатномасида бу ҳақда баъзи хабарлар қолдирди. Женкинсоннинг ёзишича, у пайтда Амударё суви Урганч атрофида кўп миқдорда суғоришга сарфланган, Сарикамиш кўлига оз қисми келиб қуйилган. Ўзбойдан Каспийга бу даврда сув оқмаган. Амударё сувининг асосий қисми Адоқ тармоғи (ҳозирги Амударё) орқали Хитой (Орол) денгизига қуйилган. Женкинсоннинг, агар дарё суви шу зайлда суғоришга кўп сарфланаверса, тез орада бу ерлар чўлга айланиб қолади, дегани амалга ошди. Бу ҳақда Абулғози, ўзи туғилишидан (1603 йил) 30 йил муқаддам, Амударёси Қора айғир туқайидан йўл очиб Сир (Орол) денгизига оқабошлагани; шу сабабдан Урганч атрофлари деярли чўлга айланганини ёзади: “Биз дунёга келмасдин ўттуз йил илгари Аму суви, Хост кинорасининг

юқорисини Қора айғир тукайи дерлар, ул ердин йўл ясаб оқиб, Тук қалъасина бориб, Сир тенгизина қуйган эркандур. Ул сабабдин Урганч чўл бўлибти. Раъият Урганч чўл ҳам бўлса ултуруб, хон бошлиқ сипоҳ халқи ёз Аму-сувининг ёқасинда муносиб ерларда экин экиб ултуруб, экинни олғондин Урганч борурлар эркандур”. Демак, бу ҳодиса 1573 йил, яъни Женкинсон саёҳатидан 15 йил кейин юз берган.

1625 йили Урганч ўзбеклари сув йўқлигидан тарқалиб кетди Бухорога, қозоқларга, манғитларга, кейинчалик, 200 ўзбек оиласи Бухородан қайтиб Оролга, яъни Амударёнинг денгизга қуйилиш жойи дельтасига ўрнашдилар.

II. БОБ. Марказий Осиё тарихий географияси **манбаларидаги маълумотларнинг тарихи тарихшунослиги**

II.1. Сиёсий-тарихий географияси тарихшунослиги

Мўғулистоннинг XIV асрнинг иккинчи ярми – XV аср давомидаги тарихи кўпроқ Темур ва темурийлар давлати тарихи билан боғлиқ бўлган.

“Мўғулистон” топонимининг пайдо бўлиши эса, мўғуллар давлатининг ташкил топиш тарихига етиб боради. Ўша даврда ёзилган форсий тарихий манбаларда “мўғул” этнонимига форсча “истон” қўшимчаси қўшилиб, “Мўғулистон” топоними ҳосил қилинган; маъноси: “мўғулар юрти” демакдир. Бу топонимда XIV – XV асрлар манбаларида иккита жой акс этган.

1.Биринчиси-“Мўғулистон” деганда тахминан ҳозирги Монголия худуди назарда тутилган. Масалан, Шарафиддин Али Яздий қадимги туркий султонлар ҳақида сўз юритганда улар яшаган жой Мўғулистон эканлигини қайд этади:

“Юлдузхон ота ўрнига (тахтга) ўтирди ва (унга) мерос мамлакатни бошқаришга киришди, яхши расму одатларни тутди. У Мўғулистонда подшоҳ бўлиб турганда эл ҳузур-ҳаловатда бўлди”¹.

“Тангрихон салтанат бошқарувига тайинлангандан сўнг, ота ва бобоси йўл-йўриғидан четга чиқмади ҳамда ўн йил Мўғулистонда хонлик қилди”. Ана шу қадимги Мўғулистоннинг чегарасини Али Яздий қуйидагича тавсифлайди: “Мўғул эли шарқ томонда (жойлашган) ва обод ерлардан узоқда. Унинг айланаси етти ва саккиз ойлик йўлдир; шарқ томони Хитой чегарасигача, ғарби уйғур еригача, шимоли Қирғиз ва Салангойгача, то Тибат еригача. У (мўғул)ларнинг овқати асосан, ов (хайвонлардан), кийимлари хайвонлар, жумладан, йиртқич хайвонлар терисидан”.

¹Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т., 1965. – Б. 18.

Али Яздий қадимги давр учун “Мўғулистон” топонимиға синоним сифатида “Мўғул улуси”, “Мўғул эли”, “Мўғул ери” (Замини мўғул) ибораларини ҳам қўллаган.

2. Иккинчиси-кейинги давр, яъни XIV – XV асрлар тарихий воқеалари баёнида “Зафарнома”да “Мўғулистон” деганда Чигатой улусининг шарқий қисми назарда тутилган. Чунончи, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар “Тарихи Рашидий” номли асарида (XIV аср) Мўғулистонни шундай чегараланган: “Ҳозирги вақтда Мўғилистон ҳудуди шарқда-Қалмоқ ери, яъни Барскўл, Эмил, Иртиш; шимолда-Кўкча-Тенгиз(Балхаш кўли), Бумлиш, Қоратол; ғарбда Туркистон, Тошкент; жанубда-Фарғона, Қошғар, Чолиш, Турфон билан егарадош бўлган жойдан иборатдир”. Кўриниб турибдики, Мирзо Ҳайдар ҳозирги шарқий Туркистон ҳудудини Мўғулистонга киритмаган ва уни “Манглай-Субе” деб атаган ҳамда қуйидагича изоҳлаган: “Чигатойхон ўзига қарашли ерларни тақсимлаганда, амир буложининг бобоси бадартуга Манглай-Субе (вилояти)ни тегишли этди. Бу ном “Қуёшли томон” деган маънони англатади ва Чигатой улусининг шимолий қисмиға нисбатан берилгандир”. Мазкур асарда Манглай-Субе вилоятининг чегаралари ва шаҳарлари ҳақида ҳам маълумот бор: “Унинг шарқий (чегараси)-Кусон ва Бўрлукур; ғарбий (чегараси)-Самгар ва Чакишмон, улар Фарғона вилояти билан чегарадош; шимолий (чегараси)-Иссиқкул; жанубий (чегараси) - Барсхон ва сариғ Уйғур. Асосий шаҳарлари: Қошғар, Хўтан, Ёрканд (Ёркант), Кошон, Ахсикат, Андижон, Оксув, Отбоши, Кусон. Вилоят маркази Оксув шаҳридир, вилоятни бошқарувчи дуғлот амирининг қароргоҳи ҳам ўша ерда”.

Темурийлар даври ёзма манбаларида Мўғулистоннинг чегаралари Мирзо Ҳайдар ёзганидан бир оз фарқ қилади.

1) Мўғулистоннинг ғарбий чегараси Еттисувдан, аниқроғи Ашпара шаҳридан ўтган (бу шаҳарнинг қургони Амир Темур фармони асосида барпо этилган);

2) Фарғона водийсидаги Ахсикат ва Андижон шаҳарлари, шунингдек Тошкент шаҳри ҳам Мўғулистон таркибига кирмаган, улар Мовароуннахрга тегишли бўлган;

3) Шарқий Туркистон ҳудуди учун аниқ бир ном қайд этилмаган, баъзан “Мўғулистон” номи билан эслатилади. Масалан Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида амирзода Искандар Мўғулистонга юриш қилиб Қошғар, Ёркант, Уч, Оқсув каби шаҳарларга чопқин ясади, деб ёзади¹.

Лекин кўп ҳолларда Шарқий Туркистондаги сиёсий воқеалар устида сўз кетганда, вилоят номи эмас, балки ундаги шаҳарлар-Қошғар, Турфон, Қорахожа, Қумул, Ёркант, Хўтан номлари эслатилади.

Шарқий Туркистон ҳудудининг XV – XVII асрлардаги номи ҳозирги илмий тадқиқотларда ҳар хил қайд этилган. Жумладан, шарқшунос В.В. Бартольд Манглай-Субе (ёки Манглай - Суйе) билан Мўғулистонни бир вилоят деб билади ва умумий ном билан “Мўғулистон” деб атади².

И.Я. Златкин “История Джунгарского ханства” (“Жунғория хонлиги тарихи”) асарида Шарқий Туркистон ҳудудини “Мўғулистон” дейди ва унинг XV аср ўрталарида бир-бирига тобе бўлмаган икки қисм, яъни шарқий (маркази Турфон) ва ғарбий (маркази Қошғар) қисмларидан ташкил топганлагини қайд этади³.

О.Ф. Акимускин Шарқий Туркистон ерларини Мўғулистон таркибига киритмайди ва бу ўлка учун XVI – XVII асрлар манбаларига таяниб “Мўғул давлати” деган номни ишлатиб шундай ёзади: “Мўғул давлати деганда биз 1514 йили Шарқий Туркистонда Мўғулистон хонлари авлоди чиғатой Султон Саид томонидан ташкил этилган ва маркази Ёркант шаҳрида жойлашган давлатни тушунамиз”. Бу давлат XVII асргача барқарор эди ва манбаларда “Эли мўғул”, “Билоди мўғул”, “Мамлакати мўғул” тарзида қайд этилган.

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннахр воқеалари. 1360 – 1370. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи О. Бўриев. Маъсул муҳаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев. – Т., 1994. – Б. 353 – 354.

² Бартольд В. В. Хафизии Абру и его сочинения. // Соч. Т. VIII. – М., 1973. – С. 75.

³ Златкин И. Я. История Джунгарского ханства, 1635-1758. Изд. Второе. – М.: Наука, 1983. – С. 40-41.

Бироқ, М. Қутлуқов бунга эътироз билдириб, Султон Саидхон тузган давлатни “Ёркенд хонлиги” деб аташ тўғрироқ бўлади, деган хулосага келган¹.

Ёзма манбалар маълумотлари ва илмий тадқиқотларга таяниб хулоса қиладиган бўлсак, темурийлар даври (XIV асрнинг 2 – ярми – XV аср) учун собиқ Чиғатой улусининг шарқий қисми умумий тарзда “Мўғулистон” деб аталгани маълум бўлади. Шу билан бирга, Шарқий Туркистоннинг ҳозирги ҳудуди (Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян-Уйғур автоном райони) икки хил ном: ғарбий қисми – Манглай-Субе ва шарқий қисми-Қалмоқ номлари билан ҳам аталган.

Туркистон бу-топоним Темурийлар даври манбаларида аниқ бир маъмурий бирликнинг номи сифатида қайд этилмаган.

Мовароуннаҳр-таминан ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди ва унга ёндаш ерларнинг тарихий шаклланган номи. Чиғатой улуси иккита маъмурий бирликка бўлингач, унинг ғарбий қисми тарихий номи билан Мовароуннаҳр деб аталган ва XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб унинг сиёсий мавқие кучайди; улуснинг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган охириги мустақил хони Қозон-Султонхон (1332 – 1346) эди. Ундан сўнг ҳокимият амирлар қўлига ўтиб, улар анъанани бузмай хонлик тахтига Чингизхон авлодидан хон тайинлаганлар. Дастлаб амир Қазаған (1346 – 1357) ҳукмдор бўлди ва хонлик тахтига, аввалида, Донишмандча ўғлонни (1348 – 1357) ўтказди. Амир Қазаған салтанати чегараларини кенгайтириб, Хуросонни ҳам забт этишга муваффақ бўлди. “У қиш чоғи Соли -Саройда яшарди, баҳорда Қоранавар гулзорига қўнарди, ёзда ва кузда эса Мункда яшамоқ байроғини тикарди”, - деб ёзади Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”да². Демак, Амир

¹ Акимускин О. Ф. Хронология правителей восточной части Чагатайского улуса (линия Туглик-Тимур-хана). // Сб. Восточный Туркестан и Средняя Азия. История. Культура. Связи. Под редакцией Б.А. Литвинского. – М., 1984. –С. 156-165.

² Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари. 1360 – 1370. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Омонулла Бўриев. Маъсул муҳаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи Асомиддин Ўринбоев. – Т., 1994. – Б. 94.

Қазағаннинг салтанат қароргоҳи Мовароуннахрнинг жанубий ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмига тўғри келади.

Амир Қазаған ўлимидан сўнг, ўғли амирзода Абдуллоҳ тахтни эгаллайди ва давлати пойтахтини Самарқандга кўчиради. У отаси тайинлаган хон - Баёнқулихонни ўлдириб, ўрнига Темуршоҳ ўғлонни (1357 – 1358) хонлик тахтига тайинлайди. Бу ўзбошимчаликдан норози бўлган бошқа амирлар, жумладан, амир Баён-Сулдуз билан амир Хожи Барлос Самарқандга юриш қилиб, амирзода Абдуллоҳни ва у тайинлаган хонни ҳайдаб юборадилар. Мовароуннахрда ички феодал тарқоқлик авжига чиқади. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”да бу ҳолатни қуйидагича шарҳлаган: “Амирлар ва нуёнлардан ҳар бири ўзи (бошқариб) турган жойда хийла-найранг билан якка ҳокимлик қилмоқ байроғини тикди. Қўл остида одами бор бўлган ҳар кимсанинг хаёл қуши калласи ошёнасида сарварлик ва мағрурлик тухмини қуйди. Кимнинг бир оз кучи бўлса, орзу бургути салтанат савдоси ҳавосида қанот қоқарди. Илгаридан ҳазрат Соҳибқирон ва амир Хожи Барлоснинг ота-боболарига тегишли бўлган Кеш шаҳри ва унинг ён-атрофлари ҳозир ҳам уларнинг қўл остида эди. Хўжандни амир Боязид жалойир бошқарарди.

Улуғбекка суюрғол қилинган ерлар. Темурийлар даври ёзма манбаларида ушбу мавзуга оид маълумотлар умумий сиёсий воқеалар баёнида қурак ҳолда учрайди¹.

Баъзи вилоятлар амир Хусайн ибн Мусло ибн амир Қазаған ихтиёрида бўлиб, у қўшин ва аркони давлат билан отасининг ўрнига даъвогарлик қиларди. Балхда Улжой-Буғо сулдуз ўз аймағи билан ҳукмронликдан сўз қотарди. Шибирғонда Муҳаммадхожа апарди, ноймон ўмоқидан шу йўсинда иш тутган эди. Бадахшон шоҳлари ўз тоғларида бировга бош эгмасдилар. Кайхусрав ва Улжойту апарди ҳам Хатлон ва Арҳанг вилоятларида худди шу

¹ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларда Марказий Осиё. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 134.

йўлни тутганлар. Қадимий юрти Самарқанд навоҳийсидаги Сарипул ва Тонкант бўлган амир Хизр Ясавурий барча ясавурийларни (атрофига) йиғиб, ҳеч кимсани писанд қилмасди. Бу турли-туман тоифалар ўртасида анча уруш жанжаллар бўлиб ўтди, кўп одамлар нобуд бўлди”¹.

Мазкур маълумотлар XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳр маъмурий жиҳатдан кичик-кичик ҳокимликларга бўлиниб кетганлигини кўрсатади. Шу кезларда Чигатой улусининг шарқий қисми-Мўғулистон тахтини эгаллаб турган Туғлуқ-Темурхон мавжуд вазиятдан фойдаланиб, 1360 йили Мовароуннаҳрга кўшин тортиб уни забт этди ва собиқ Чигатой улуси ҳудудини тиклашга муваффақ бўлди.

Кейинги ўн йил давомида Амир Темур мустақиллик учун курашиб, ниҳоят ўз давлатини тузди ва Мовароуннаҳр бу давлатнинг асосий қисми бўлиб қолди. Амир Темур ўз салтанати доирасини кенгайтириб бориб, ҳукмига кирган мамлакатларни, асосан, ўғиллари ва невараларига суюрғол қилиб берган. Хуросон дастлаб Мироншоҳга, кейинчалик Мирзо Шохрухга, Қобул ва унинг атроф ерлари Пирмуҳаммадга, Озарбойжон, Ироқ ва Кичик Осиё аввалида Мироншоҳга, сўнгра унинг ўғли Мирзо Умарга, Мовароуннаҳрдан шарқдаги ўлкалар Улуғбек ва Иброҳим Султонга суюрғол қилинган. Андигон ва унинг атрофи ерлари Мирзо Умаршайхга иқтои хосса қилиб белгиланган эди.

Амир Темур вафотидан сўнг, унинг авлодлари ўртасида тож-тахт учун кураш авж олади. Мовароуннаҳр салтанатини аввалида Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон (1384 – 1411 йиллар) эгаллайди. Аслида эса, Соҳибқирон тахтга невараси Пирмуҳаммад (Жаҳонгирнинг ўғли)ни валиаҳд бўлишини васият қилган эди. Шу сабабдан, Халил Султон номигагина Муҳаммад Жаҳонгир (Пирмуҳаммаднинг укаси-Муҳаммад Султоннинг ўғли)ни

¹Амир Темур аجدодлари (Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида терма-таржима). Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Омонулла Бўриев. Маъсул муҳаррир А.Ўринбоев. – Т., 1992. – Б. 60.

хонликка номзод қилади ва у ҳали ёш (9 ёшда) бўлганлиги учун шу йўл билан ҳокимиятни ўз қўлига олади. Мирзо Шоҳрух бундан норози бўлади ва Халил Султон қошига элчи юбориб буйсунишни талаб қилиб, Мовароуннаҳрга юришга отланади. Халил Султон жавоб элчиси орқали қуйидаги арзни етказади:

“Мен он ҳазратнинг бандаси, давлатхоҳи ва инисиман; аммо ҳазратимизнинг элу улуслари Хуросондадир; албатта у мамлакатни ташлаб кетмасалар керак, бу вилоятни бирор қулларига ёки ини ва ноибларига топширарлар. Шундай бўлгач, бу ишга мендан бошқа қайси бир қул қобилиятлироқ бўла олиши мумкин?! Агар илтимосимни қабулайлаб яқин қариндошлик ҳуқуқига риоя қилсалар ва бахту саодат билан қайтиб кетсалар, мен хазина ва мол юбораман ҳамда ҳар нимагаки ишорат этсалар бажо келтираман” .

Шундан сўнг бу низо сулҳ, билан тугаб, Мирзо Шоҳрух 808 (1405-1406) йили ўғли Улуғбекни Мовароуннаҳрдан ўз ҳузурига-Хуросонга чақиртириб олишга мажбур бўлади ва унга дастлаб Андхуй билан Шибирғонни идора қилиш буюрилади¹.

Лекин кўп ўтмай, 809 (1406-1407) йили Мирзо Улуғбекка Хуросоннинг Тус, Хабушон, Калот, Бовард, Нисо, Ёзир, Сабзавор ва Нишопур вилоятларини топшириб, унинг тасарруфидаги ерлар кўламини анча кенгайтди. Айни пайтда, ундан ғарбда жойлашган Дехистон ва Астрободни ўз ичига олган Мозандарон вилоятини Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарга суюрғол қилди. Бироқ, кўп ўтмай, шу йилнинг ўзидаёқ Мирзо Умар ўз мавқеини кучайтириб Хуросонни босиб олишни мўлжаллай бошлади. Шоҳрух унинг устига юриш қилди. Мирзо Умар жангга кирмай қочди, лекин Мурғоб водийсида амир Мизроб навкарлари билан бўлган тўқнашувда ярадор бўлиб оламдан кўз юмди (1407). Шундан сўнг, Мирзо Шоҳрух Мирзо Умарнинг суюр-ғолини ҳам Улуғбекка қўшиб берди. “Он

¹ Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т., 1994. –Б. 63.

ҳазрат Мирзо Улуғбекни янгидан Хуросон ҳам Мозандарон ҳукмдорлигига тайин қилди”, - деб ёзади¹.

Кейинги икки йил ичида кечган сиёсий воқеалар-амир Худойдод Ҳусайнийнинг Самарқандни эгаллаши, Мирзо Шохрухнинг Мовароуннаҳрга юриши, Худойдоднинг Самарқандни ташлаб кетиши, Шохрухнинг Самарқандга кириб келиши, амир Худойдоднинг ўлими воқеаларидан иборат ва унинг тафсилоти қуйидагича:

Худойдод Ҳусайний Хужанд сувидан ўтиб Самарқанд яқинида Шероз қишлоғида Халил Султон билан жанг қилиб, уни енгади ва банди қилади. Шундан сўнг, у Самарқандни забт этиб Мирзо Халил номидан ҳукмлар битиб эълон қилабошлади ва шу тариқа Мовароуннаҳрни эгаллади. У айнаи вақтда, бир қанча темурий шаҳзодалар - Умаршайхнинг ўғиллари Мирзо Аҳмад Мирак (1388 – 1425) ва Мирзо Сейди Аҳмадни (1391 – 1429) ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлганида, улар Шохрух ҳузурига кетадилар. Амир Худойдод бу муваффақиятсизликдан сўнг Муғулистондан паноҳ, излайди. Лекин у Тошкент атрофларида қолиб, шу ерда ёрдам кутади. Унинг ўғли Оллоҳдод Шохрухияни эгаллаган эди. Мирзо Шохрух Муғулистонга юриш бошлайди. Амир Худойдод Муғулистон подшоси Муҳаммадхондан (1407 – 1415) кўмак сўрайди. Муҳаммадхон ўз биродари Шамъи Жаҳон подшоҳни (чунки илгарироқ хонлик тахтини у эгаллаган эди; 802 – 810) амир Худойдоднинг илтимосига биноан мададга юборади. Шамъи Жаҳон Тошкент атрофида амир Худойдод билан учрашади, лекин ёрдам бериш ўрнига, уни ўлдиради.

Амир Худойдод билан боғлиқ ушбу воқеалар, асосан, Тошкент вилоятида содир бўлган ва унда Шохрухия, Ўратепа, Ўтрор каби шаҳарлар тилга олинган.

¹ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайин. Форс-тожик тилидан таржима. – Т., 1969. –Б. 100-103.

Шундан сўнг, Мирзо Шоҳрух 812 (1409 – 1410) йили Мовароуннаҳрни ҳам ўз тасарруфига киритади ва уни идора этишни Мирзо Улуғбекка топширади. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий: “Хазрат хоқони сайд Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакати вилоятини саодатли фарзанд, рух роҳатию дил қуввати, кўз нурию дин кўмакчиси Мирзо Улуғбек курагонга бағишлади”, - деб ёзган. Улуғбек 15 ёшда эди. Шу боис, Мирзо Шоҳрух отасининг энг садоқатли амирларидан бўлмиш амир Шоҳмаликни унга ҳомий этиб тайинлайди. Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “... у вилоятнинг ҳал қилиш ва ман этиш жиловия йиғиб олиш ва тарқатиш ихтиёрини адолатликда пешқадам бўлган олижаноб амир - амир Ғиёсиддин Шоҳмаликнинг тўғри раёи ва зийрак фикрига топширди, у ўзининг ўтқир билимича нимани муносиб курса (шу билан) мамлакат ишларини тартибга солишга киришсин, деб унинг донолиги ва соф билимига эътиمود қуйди”.

Олдинги воқеалар баёнидан маълум бўладики, Мирзо Шоҳрухнинг бу фармони билан, биринчидан, Амир Темурнинг илгарироқ, Улуғбекка қилган суюрғоли ҳақидаги сўзларига амал қилинган бўлса, иккинчидан ундан фарқли томони, Мовароуннаҳр ва Туркистон вилоятлари ҳам унга кўшимча қилинган. Яъни Улуғбекка суюрғол қилинган ерлар доираси олдингига нисбатан кенгайган. Чунки Амир Темур ўз вақтида Ахсикатдан то Хутангача бўлган жойларни Мирзо Шоҳрухнинг иккинчи ўғли-Иброҳим Султонга белгилаган эди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Мовароуннаҳрнинг жанубий ҳудудлари Мирзо Улуғбек ҳукми доирасига кирмасди. ”Матла ас-саъдайн”да қайд этилишича, Мирзо Шоҳрух Мовароуннаҳр ва Туркистонни Улуғбекка суюрғол этиб, доруссалтана Ҳиротга қайтаётганида Ҳисори Шодмонни Мирзо Муҳаммад Жаонгир ибн мирзо Муҳаммад Султонга суюрғол қилади ва бу шаҳзодани кейинчалик ўзига неварга куёв қилиб олади. Иброҳим

Султонга эса, Балх ва Тохористон вилояти ҳукумати Қобул ва Бадахшон чегарасигача белгилаб беради.

II. 2. Савдо, иқтисодий географиясига доир маълумотлар тарихи

Марказий Осиёнинг савдо, иқтисодий географиясига доир маълумотларни ўрта аср манбаларидан Абу Исҳоқ Истахрийнинг “Китаб масалик ал-мамалик” асарида Балхдаги “яхудийлар дарвозаси” ва савдо марказлари ҳақида ёзади.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг йирик-йирик шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ кескин ривожланди. Мовароуннаҳрга Эрон, Ҳиндистон, Кичик Осиё, Волгабўйи, Русь, Сибирь ва Узоқ Шарқдан, Оврупанинг бир қанча мамлакатларидан турли тилда сўзлашадиган, турли миллат ва элатларга мансуб бўлган савдогарлар келиб туришган.

Шаҳарлардаги ҳунармандчилик ишлаб чиқариши шаҳарликлар ва атроф қишлоқлардаги аҳолининг эҳтиёжини қондиришга, дашт ва чўлларда истиқомат қиладиган кўчманчи аҳолиларга сотишга, чет мамлакатлар савдогарлари билан товар айрбошлашга мўлжаллаб тайёрланар эди. Буларнинг ҳаммаси ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ёрдам берди. Бунинг натижасида ҳунармандлар, усталар сони кўпайди, уларнинг чиқараётган маҳсулотларининг турлари ортди, сифати яхшиланди, шунингдек, уларнинг маълум буюмларни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашуви кенг тус олди.

Амир Темур мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтириш мақсадида асосий эътиборни пойтахт шаҳарларни ривожлантиришга қаратди. Унинг ташаббуси билан пойтахт шаҳарларининг ривожланишида, иқтисодий баркамол бўлишида ҳатто шаҳарларнинг кичик ва майда савдогар ва ҳунармандлари ҳам ўз-ўзидан киришиб кетдилар. Бу давргача мамлакатда савдогарларнинг эркин савдо-сотиқ қилиши учун қулай савдо расталари кам

бўлган. Айниқса, Темур давлатининг маркази бўлган Самарқанд шаҳрининг гуллаб-яшнаши учун бор куч ғайрати ва маблағини аямади. Темурнинг буйруғи билан шаҳарнинг бир учидан иккинчи учига улашиб кетган кенг ва бемалол сотиш ва сотиб олиш учун қулай бўлган савдо расталари, бозор аҳлини қишда ёғин-сочиндан, ёзда жазирама қуёшдан асрайдиган усти ёпик бозорлар ва савдо расталари қуриб битказиш ишлари бошлаб юборилди¹.

“Унда (Самарқандда) барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун қулай бўлган савдо расталари мавжуд бўлмаганлиги сабабли подшоҳ шаҳар бўйлаб катта кўча (раста) чиқаришни, унинг икки томонида эса молларни бемалол сотиш ва харид қилиш учун дўконлар қуришни буюрдим”,- дейди испаниялик Темур саройига элчи бўлиб келган Руи Ганзалес де Клавихо ўзининг “Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги” (1403-1406 йй.) номли асарида².

Бу ишлар асосан кечаю-кундуз, босқичма-босқич олиб борилган. Бу ишларни Темур томонидан тайинланган унинг иккита мирзаси назорат қилиб борган. Кўчалар жуда кенг қилиб олиниб, унинг икки томонида савдо дўконлари қуриб ишга туширилган. Дўконлар икки қаватли бўлиб, олдида чиройли тошлардан курсилар ҳам қўйилган. Ишлар шу қадар жадаллик билан олиб борилганки, натижада дўконлар қурилиб, битирилиши билан уларга савдо ходимлари жойлаштирилар ва савдо-сотик ишларини бошлаб юборар эдилар. Ишловчиларнинг маошлари шу ернинг ўзида, иш жойларининг ўзида мунтазам бериб борилар эди. “Қисқа фурсат ичида қилинган ишларни кўриб ҳайрон қолиш мумкин эди” - деб ёзади Клавихо. Бу ишларни амалга оширишда юксак малакали, ўта қобилиятли ҳунармандлар, заргарлар, муҳандислар ҳар хил миллат ва элатларга мансуб кишилар меҳнат қилишган.

¹ Мўминов И. М. Самарқанд тарихи. – Т., 1971. – Б. 200 - 204.

² Клавихо Р. Г. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 – 1409). – М.: Наука, 1990. – С. 134 - 137, 141 - 149

Соҳибқирон ҳукмронлигида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши соҳасида тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш, металл ишлаш, бинокорлик, кулолчилик, мусаввирлик, наққошлик, заргарлик соҳалари етакчи ўринларни эгаллаган эди. Тўқимачилик ишлаб чиқариш соҳаси эса айниқса кенг ривожланганди. Марказлашган давлатнинг қарор топиши ва истеъмолчилар сонининг купайиши тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада ривожланишига ва уларнинг сифатини яхшиланишига олиб келган.

Тўқимачилик ишлаб чиқариш маҳсулотлари, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг бошқа маҳсулотларига нисбатан, катта бозорларга кўпроқ етказиб берилар эди. Бу бозорлар маҳаллий истеъмолчиларни ҳам, қўшни қишлоқлар аҳолисини ҳам, даштларда яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолини ҳам ўз ичига олар эди. Моварауннаҳрда текилган кўплаб газмоллар олис-олисдаги мамлакатларнинг аҳолисига ҳам етказилар эди. Мамлакат ичкарасидаги газмол ишлаб чиқарувчилар, ҳунармандлар маҳаллий бозорлардан ташқари анча узоқдаги мамлакатлар билан ҳам савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатган эдилар. Бу эса ўз-ўзидан тўқимачилик ишлаб чиқариши ҳам товар характериға эға бўлганини кўрсатади. Мамлакат пойтахти Самарқандда олача, парча, духоба ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган, шунингдек газламаға гул босувчи ускуналар билан ҳунармандлар иш юритишган.

Мовароуннаҳрда етиштириладиган пахтадан тайёрланган ип газламаға аҳолининг талаби, айниқса нщори бўлган. Турли навдаги карбас (ўзбек тилида ва бошқа туркий тилларда бўз деб аталган) газмоллар (оқ ва бўялмаган сариқ рангли дағал ва нафис газлама) кенг тарқалган. Катан деб аталган газмол эса, анча пишиқ бўлган. Аммо бўз (карбас) катанға нисбатан анча арзон турган. Самарқандда тўқилган олача ҳам аҳоли ўртасида кенг тарқалган бўлиб, бошқа мамлакатларға ҳам олиб бориб сотилган.

Фута (фата) ип газламаси асосан салла учун ишлатилган. Бундан ташқари ундан белбоғ ҳам қилинган, уста бўлишга аҳд қилган ларнинг белига ўшандан боғланган.

Пахтадан тўқилган ва ҳар хил гуллар босилган матолардан бири чит деб аталган. Шаҳарларда эса читга гул босувчи мутахассислар ва дастгоҳлар мавжуд бўлган.

Маҳаллий ва четдан келтирилган хом-ашёдан шойи тўқиш кенг тарқалган бўлиб, четдан келтирилган хом-ашё ипак маҳаллий ипак билан бир қаторда турли нав ва шойи газмоллар тайёрлаш учун ишлатилар эди. Манбааларда атлас, кимхоб, харо, мисри, банорас ва бошқа номдаги шойи ва чала шойи газмолларнинг номлари ҳам учрайди. Баъзи маълумотларда атлас ва кимхоб Мовароуннаҳрга Хитойдан келтирилган дейилсада, Клавихонинг куйидаги фикрларига қараганда Мовароуннаҳр ҳудудларида ҳам кимхоб тўқиб чиқарилган. Вақти-вақти билан Темур томонидан ўтказиб туриладиган тантаналарда, байрамларда мамлакатнинг ҳунарманд ва савдо аҳли иштирокида савдо кўргазма (ярмарка) лари ўтказилиб турилган ва унда кимхоб тикувчилар ҳам иштирок этиб, ўзларининг кўчма тикиш машиналарини намойиш қилиб, шу ернинг ўзидаёқ тикиб кўрсатишган. Кимхобдан ти қилган тунлар одатда Темур саройига келган элчиларга совға қилинган¹. Темур даврида Самарқандда духобанинг алоҳида нави ишлаб чиқарилган. “Самарқандда яна бир мато қирмиз махмалдирким, - деб ёзган эди ўз асарида Заҳириддин Бобур, атроф ва жавонибга элтарлар”².

Духоба ишлаб чиқариш ўша давр техникаси жиҳатидан анча мураккаб иш эди. Бу эса мамлакатда тўқиш санъатининг юксак даражада бўлганлигидан далолат беради.

¹ Клавихо Р. Г. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 – 1409). – М.: Наука, 1990. – С. 146.

² Бобур З. М. Бобурнома. – Т.: Фан, 1960. – Б. 106.

Мамлакатда кўпчилик аҳоли рўзғорида наमत ишлатилиб, уни ишлаб чиқариш ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида катта ўрин эгаллаган. Айниқса, уни шаҳарлар душманлардан ҳимоя қилинаётган вақтларда камон ўқ наमत осиб қўйилган. Бош кийимлар тайёрлашда ҳам наमतлар кўп ишлатилган.

Темур салтанатида металлдан буюмлар ясаш юқори даражага кутарилди, темирчилар (чилангарон, охангарон) металл буюм ясовчиларнинг кўп сонли гуруҳини ташкил этиб, кетмон, теша, белкурак, эшик занжирлари ва ҳалқалари, бошқа касбдаги ҳунармандлар учун турли хил меҳнат қуроллари-тошга, мрамарга, нефритга, ганчга, ёғочга нақш соладиган асбоблар аҳолининг уй-рўзғор буюмларига бўлган талабларини маълум даражада қондирадиган бошқа буюмлар шуларнинг кўллари билан тайёрланар эди.

Рангли металлларни ишлаш эса металсозлик саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланган. Бу ерда мис буюмлар катта ўрин эгаллаган. Мисдан уй-рўзғор буюмлари ва бошқа буюмлар тайёрланган. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, Темур томонидан келтирилган уста ва ҳунармандлар ўзларининг ишлаб чиқариш техникасини механик тарзда кўллаб қолмасдан, Мовароуннаҳр усталар фаолиятдан ҳам кенг фойдаланганлар. Металлдан тайёрланган хилма-хил буюмларнинг рўйхати, музейларда сақланаётган нарсаларнинг намуналари темир буюмлар ясаш техникасининг анча ривожланганлигидан, рангли металлургия ҳунармандчилик ишлаб чиқариш даражасининг ошганлигидан, чўқичлаш, қуйиш, металлга нақш солиш билан шуғулланган халқ усталарининг юксак маҳоратга эга эканликларидан далолат беради.

Қимматбаҳо металлдан (олтин ва кумуш) буюмлар ясаш мамлакатнинг ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида катта ўрин эгаллаган. Бу ҳунарнинг асосий сабабларидан бири шуки, Темур давлатининг пойтахти Самарқандда ва шу каби йирик шаҳар-қишлоқларда юқори мартабали

маҳаллий кишилар ҳамда чет мамлакатлардан келадиган бой савдогарларнинг катта қисми тўпланган эди. Улар орасида халқ хунармандлари томонидан тайёрланган, аммо унчалик қиммат бўлмаган буюмларни сотиб олар эдилар. Бундай кенг истеъмол буюмларини ҳам мохир заргарлар тайёрлар эдилар¹.

Темур ҳукмронлиги даврида кулолчилик иши хунармандчиликнинг энг ривожланган ва муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган. Кулоллар хилма-хил идиш-товоқлардан ташқари, бинокорлик материаллари, қоплама плиталар, қувурлар, кошинлар, полларга ётқизиладиган плиталар ва чиғирик учун кўзачалар, шунингдек, тандирлар ва уй-рўзгор учун керакли буюмларни ишлаб чиқарар эдилар.

Бу даврга келиб тошга сайқал бериш санъати камолотга етди. Бизнинг давримизгача сақланиб қолган Темурнинг нефрит билан сайқалланган қабр тоши, Кўктош, Бибихоним масжидида Қуръонни кўйиш учун ўрнатилган тош курси ва бошқа кўпгина ёдгорликлар халқ ижодкорларининг юксак бадий буюмлари намуналари бўлиб, буларда тош йўнувчиларнинг меҳнати кўпинча хаттотларнинг зўр маҳоратлари билан қўшиб олиб борилган.

Қоғоз ишлаб чиқариш Самарқанд хунармандчилигида алоҳида ўрин тутган. Шаҳар яқинидаги Обираҳмат ариғи соҳилида қоғоз ишлаб чиқарадиган махсус обжувоз ва корхоналар бўлган. Бу ерда эскирган бўз кийим, латта ва пахталардан қоғоз хом-ашёси тайёрланиб, варақлар қуйилган, сўнгра уларга сайқал берилган. Самарқанд қоғози Ўрта аср Шарқи хаттотлари орасида ғоят машҳур бўлиб, чекка ўлкаларга ҳам чиқарилган. Самарқанд атрофидаги қоғоз ишлаб чиқарадиган устахоналар асосан бир жойда - Сиёб соҳилларида марказлашган эди. Бу тўғрисида Заҳириддин Муҳаммад Бобур: “Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар, жувози

¹ Мўминов И. М. Самарқанд тарихи. – Т., 1971. – Б. 203.

қоғозлар қуйи томон Конигулдан келадур. Конигул Сияхоб ёқасидадур ким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар”, - деган эди¹.

Бўйра тўқиш касби шаҳарлар аҳолисининг бир қисми учун асосий яшаш манбаи эди. Қамишдан тўқилган бўйралар халқ турмушида кенг қўлланилар ва қурилиш ишларида ҳам кенг фойдаланилар эди.

Сохибқирон ҳукмронлигида китоб муқовалаш санъати ҳам кенг ривожланган эди. Мамлакатнинг айрим тоифадаги кишилари китобларни муқовалаш ишлари билан кенг шуғулланган, чунки бу даврга келиб аҳолининг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган кўплаб тарихий ва адабий китоблар пайдо бўла бошлаган эди. Шу муносабат билан Темур даврида китоблар муқовасини бадиий жиҳатдан безатиш санъати янада ривож топди. Муқовалар картондан бўлиб, юз томони силлиқ қилиб ишланар эди. Китобларнинг муқовасида тилла суви ёки бўёқ билан нақшлар солинган.

Темур салтанатининг йирик шаҳар ва вилоятларида қурилиш ишлари авж олиб бинокор усталарга талаб ортди. Бинокорлар орасида меъморлар, муҳандислар, ғишт терувчилар, сувоқчи-ганчкор, ганчкор-наққош, тош йўнувчи (сангтарош) ва дурадгорларнинг мавқеи ошиб кетди.

Шишасозлик ҳам анчайин тараққий қилди. Шишалардан турли шаклдаги идишлар кўзача, кадаҳ, сиёҳдон, доридон, сурмадон, тувак ва сумаклар, ҳамда бошқа турли хил уй-рўзғор буюмлари ясалган. Муҳташам бинолар, давлатманд шаҳарлик бойроқ кишиларнинг уй-жойлари қурилишида рангли ойналардан фойдаланилган. Масалан, ишратхона мақбарасининг дераза панжараларига ҳаворанг, гунафша, сариқ, яшил ва қизил рангли шишалар ўрнатилган.

Мамлакатда ёғочсозликнинг ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ёғочдан хилма-хил асбоб-ускуналар, ҳамда буюмлар, тўқимачилик

¹ Вяткин В. А. Самарканд и его окрестности в прошлом, по описанию Султана Бобур Мирзы (перевод из книги Бабурнамы) СКВД вып. IV. – Самарканд, 1896. – С. 30.

асбоблари, икки ғилдиракли аравалар, эгар, бешик, пойафзал қолиплари, қафаслар, тароқ ва ҳассалар ясалган. Моҳир ёғочсоз усталар ёғоч ўймакорлигини такомиллаштириб, нақшинкор эшиклар, панжаралар, устун ва болорлар, хонтахта, курси ва бошқа нарсалар ясаган¹.

Мамлакат шаҳарларига савдогарлар, шунингдек кўшни қишлоқларнинг деҳқонлари тез-тез келиб туришар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб келишар ва ўзларига керакли ҳунаrmандчилик буюмларини харид қилишар эдилар. Шаҳарларда бозорлар билан ёнма-ён пазандачилик дўконлари ҳам фаолият кўрсатган. Бу дўконларда “қовурилган, пиширилган, димланган гўшт, жуда озода қилиб пиширилган товук, бошқа парранда гўшtlари сотилган ва харид қилинган, шунингдек ҳар хил нонлар ва турли-туман мевалар сотиб олиш мумкин эдики, буларнинг ҳаммаси тоза ва покиза эди”,- деб таъкидлаган эди Клавихо².

Амир Темурнинг иқтисодий ҳаётини ўрганишда у жорий этган пуллар, яъни тангалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унинг геометрик ва ҳар хил нафис нақшлар билан безатилган тангаларига назар ташлар эканмиз, куз ўнгимизда бу тангаларга урилган тамға гавдаланади. Бу тангалар учта чамбараксимон кичик халқалардан иборатдир. Бу эса, “Темур яъни-уч томоннинг ҳукмдори деган маънони англатади”.

Маълумки, буюк Соҳибқирон 1372 йилдан бошлаб ўз тангаларини Самарқанд, Бухоро, Арманистон, Озарбайжон, Эрон, Ироқ сингари мамлакатларнинг Ардабиль, Астрабод, Астра, Дамгон, Махмудобод, Мордин, Исфахон, Кум, Косон, Шероз каби қирққа яқин шаҳарларида зарб эттирган. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий қудратини ўрганишда ўша мамлакатда жорий этилган пулларнинг сифат ҳамда қийматидан билиб олиш мумкин. Амир Темурнинг зарб эттирган тангалари ҳам юқори сифат ва

¹ Мўминов И. М. Самарқанд тарихи. – Т., 1971. – Б. 205.

² Клавихо Р. Г. Дневник путешествия в Самарқанд ко двору Тимура (1403 - 1409). – М.: Наука, 1990. – С. 149.

қийматга эга бўлган. Темурнинг танга зарб қиладиган устахоналарида ўз томонидан тайинланган, юксак маҳоратга эга бўлган усталар меҳнат қилишган¹.

Юқоридаги зикр этилган йўналишлардаги олға силжишлар, хунармандчилик ишлаб чиқаришининг тараққий этиши, савдо-сотиқ ишларига кенг йўл очиб бериши табиий. Бунинг устига Хитойдан Европагача бўлган улкан ҳудудни бир сиёсий марказ остида бирлаштирилиши, карвон йўлларининг ҳар жиҳатдан таъминланиши, чунончи, хавфсизлик, карвон йўллари, доимо хизмат кўрсатиб турувчи карвонсаройлар буларнинг бари савдо-сотиқнинг гуркираб ўсишида муҳим омиллар бўлиб хизмат қилган. Хуллас Амир Темур даврида ҳозирда “Буюк ипак йўли” номи ила машҳур, Шарк билан Ғарбни боғлаб турувчи савдо йўли узлуксиз ва маҳсулдор равишда ишлаб туришига кенг имкониятлар очилган эди. Шу ўринда Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари эътиборга лойикдир: Ҳар бир мамалакат ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладим, улар қаерга боришмасин, Хитой, Хутон, Чину-Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Мазоир, Фарангистон (Европа) у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтирсинлар. Соҳибқирон буйруғи билан салтанатда бир кунлик йўл масофаси оралиғида карвансаройлар қурилган. Карвансаройлар ҳатто саҳроларда кам бунёд этилиб, зарурият туғилганда тунда бўлса кам минг отлик қабул қилиб таъминлаш имконига эга бўлган. Мусофирхоналар ташкил қилиш кам шу тарзда йўлга қуйилган эди. Уларни таъминлаш учун бутун бир қишлоқ ёки бир неча қишлоқни уларга вақф қилиб бериш қонунлаштирилган эди.

Савдо муносабатларининг давлат ва жамият ҳаётида, ташқи сиёсатда тутган муҳим ўрнини яхши англаган. Амир Темур бу борада яна қатор тадбирларни амалга оширган. Чунончи, бозорлар қуриш, эскиларини

¹ Тўхтаев И.Т. Темур ва темурийлар сулоласининг тангалари. – Т.: Фан, 1992. – Б. 11-17.

кенгайтириш, таъмирлаш ишларин олайлик. Бунинг исботида Самарқанд бозорининг бино этилиши орқали кўриш мумкин. Амир Темури буйруғи билан шаҳарнинг Темир (Оканин) дарвоза қисмидан бошланиб жанубий-ғарбий йўналишда катта кўча қурилади. Шаҳарнинг икки томонида эса асосан икки қаватли, чорсу, тим шаклида қурилган дўконлар, расталар қад кўтаради. Кўча усти бошдан охиригача гумбаз тарзида ишланган тоқи билан ёпилади. Ёруғлик ўтиб туриши учун ҳар ердан дарчалар ҳам қолдирилган. Бундан ташқари маълум масофада фавворалар ҳам қурилиб, омборхоналар ташкил этилган. Ўтиборга молик томони шундаки, бирор бир соҳага мослашган маҳаллалар, тим, расталар кенг қулоч ёзган эди. Масалан, телпакчилар, темирчилар, заргарлар, каллапазлар, новвойлар, холвачилар, газмолчилар, кунчилар, куролсозлар ва ҳоказо. Манбаларда ана шундай тимлардан бири Амир Темурнинг хотини Туман ого қурдиргани ҳақида маълумот бор.

Мамлакатнинг чет давлатлар билан иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларининг кенг миқёсда олиб борилганлиги сабабли ўзга мамлакатлардан ҳам мол ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ташиб келтириш анча кучайди. Чет эллардан келтирилган моллар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари асосан аҳолининг истеъмол манфаатлари юзасидан амалга оширилар эди. Масалан, келтирилган буёқлар, хом терилар, мўйналар, мум ва бошқа буюмлар ҳунармандларга хом-ашё сифатида хизмат қилар эди. Келтирилган моллар маҳаллий ҳунармандларнинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотларининг кам қисмини ташкил қилган бўлса ҳам, шунга қарамай уларнинг хилма-хил номлари ўша даврда ёзилган кўпгина тарихий асарларда қайд этилган. Мамлакат бозорларида асосан Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Рус, Татаристон, араб мамлакатлари, Туркиядан келтирилган истеъмол маҳсулотлари ва мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сотилар эди. Четга чиқариладиган маҳсулотлар орасида тўқимачилик

буюмлари, духоба, қимматбаҳо шойилар, газмол, қоғоз, мева-чевалар, гуруч, пахта асосий ўринни эгаллар эди.

Амир Темур Мовароуннаҳр шаҳарларини доврўғини кўкка кўтариш, савдо ва ҳунарманд аҳлининг меҳнатини енгиллатиш учун бор кучи ва меҳнатини аямади. У “савдогарлар туфайли дунё обод бўлган” деб ҳисоблар ва уларнинг фаолиятини кадрлар эди. Агар савдогар ёки ҳунарманднинг кўлида ишлаб чиқариш учун етарли жамғармаси бўлмаса ёки камомади туфайли ўз фаолиятини тўхтатса, уни маълум миқдорда маблағ билан таъминлашни, токи иши юришиб ўзини тутиб олмагунча солиқлар олмасликни фармон берган.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши туфайли мамлакатда бозорлар кўпайди, айрим хилдаги буюмлар билан савдо қиладиган савдо расталари, дўконлари пайдо бўлди. Бозорларнинг ҳар бирида асосан бир хилдаги моллар сотилар эди, бозор эса сотиладиган молларнинг номи билан аталар эди.

Шаҳарларда ихтисослашган савдо бинолари - тимлар, дўконлар, ҳунармандчилик устахоналари кўп бўлиб, уларнинг номларига кўра бу жойларда ҳунармандчилик маҳсулотларининг муайян турлари тайёрланар ва сотилар эди. Ҳар бир соҳа усталари бир касбдаги ҳунармандлар растасига қарар, ҳунармандларнинг ўзлари эса ижтимоий жиҳатдан бир-бирларидан ажралиб туришар эдилар.

Ишлаб чиқаришнинг баъзи бир соҳаларида усталарнинг раҳбарлиги остида ёрдамчи ишчилар ҳам фаолият кўрсатишган. Қоғоз ишлаб чиқарадиган ва шунга ўхшаш меҳнати оғир бўлган устахоналарда ёрдамчи ишчилар меҳнати талаб қилинар эди. Бошқа соҳаларда эса уста фақат шогирдининг меҳнатидан фойдаланар эди. Юқорида айтганимиздек, Клавихо Самарқанд яқинида ўтказилган тантаналарда ҳунармандларнинг иштирок этишларини тасвирлаб, савдогарлар ва ҳунармандларнинг ихтиёрида ёрдамчи ишчилар ҳам борлигини қайд қилади. “Ҳамма

савдогарлар, - деб ёзади у,- ўз моллари ва ишчилари билан шаҳардан чиқишиб, урдада ҳар бир касб эгалари учун айрим ажратилган кўчаларда жойлашиб олар эдилар¹. Бу, яъни юқорида таъкидлаганимиздек, Темур томонидан ўтказиладиган савдо кўргазмаларида бўлар эди.

Соҳибқирон ҳукмронлиги вақтида ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг ўсиб бориши меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир кўрсатди, шаҳарлар чегарасини янада кенгайтиришга олиб келди, шаҳар ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган шаҳар атрофида яшовчи аҳолини шаҳарлардаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига жалб эта борди. Буларнинг ҳаммаси савдо дўконлари, ҳунармандчилик устахоналари қуришни кучайтириш ва кўпайтиришга, янги бозорлар, савдо расталари ва карвонсаройларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Аммо ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиш жараёни ҳунармандчилик буюмларига бўлган талабнинг орта бориши оқибатида, шаҳарларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши натижасида рўй берди.

Темур ҳукмронлиги пайтида Самарқанд бой ва гўзал, тукин-сочин шаҳарга айланди. “Самарқанд шаҳри текис ерда жойлашган бўлиб, унинг атрофи қум тепаликлар ва жарликлар билан қоплангандир”, - деб ёзади Клавихо, “У Севилья (Испания шаҳарларидан бири) шаҳридан бироз каттароқдир. Шаҳар теварагида кўплаб уй-жойлар қурилган. Унинг атрофи боғ ва узумзорлар билан қоплаб олинган. Боғлар баъзи жойларда бир ярим икки лига чўзилиб кетади. Боғларнинг ора-ораларида кўчалар, оромбахш майдонлар бор. Буларда кўп одам яшайди. Бу ерларда шаҳар ичкарасидагидан кўра ҳам кўпроқ дон, гўшт ва бошқа турли-туман нарсалар сотилади”,-деб яна Самарқанднинг узумлари, ковуналари, узумзорлари ҳақида тўлқинланиб ёзган эди у.

¹ Клавихо Р. Г. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 – 1409). – М.: Наука, 1990. – С. 147.

Ҳақиқатда Соҳибқирон ҳукмронлиги даврида мамлакатда арзончилик, тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик қарор топди. Бу ерда ҳамма нарсa мўл-кўл, мева-чева, ғалла, дон, вино, ва ҳар хил гўштлар тўкин-сочин ва арзон бўлган. Бир одам кўлда зўрға кўтара оладиган, думбалари 20 пуд келадиган йирик-йирик қўйлар кўп ва арзон бўлган. Самарқанд фақат озиқ-овкат эмас, балки шойи, атлас, духоба, сендал, мўйна ва ипакдан астарликлар, турли хил сўргичлар, зираворлар, ҳар хил бўёқларга ҳам бой бўлган.

1388 йили Темур Хоразмни қайта ишғол этгандан кейин унинг бутун илм-уламоларини, ҳунарманд ва усталарини шаҳри Кешнинг ободончилига жалб қилади. У Кешни ўз давлатининг иккинчи пойтахти деб билади. Шунинг учун Кешни, яъна яшил шаҳарни иқтисодий ва маданий ривожланишида бор кучи ва маданиятини аямади.

Темур ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр давлатининг жанубида жойлашган Термиз шаҳри ҳам янада йирик, маъмурий, иқтисодий ва маданий ҳамда савдо марказига айланди. Чунки Термиз Мовароуннаҳрни хорижий шарқ мамлакатлари билан боғлаб турувчи савдо йўлида жойлашган бўлиб, савдо карвонлари асосан шу йўл орқали ўтишган. Амир Темур ўзи ҳам шарққа қилган юришларининг кўп қисмида ана шу Термиз шаҳри орқали ўтган. У Термизни буюк авлиёлар шаҳри деб билган ва доимо у ерга тушиб, бош эгиб тиловат қилган. Термиз шаҳри ҳақида Клавихонинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиздир. “Бу шаҳар, - деб ёзади у, катта ва кенг бўлиб, қурукликда жойлашгандир. Бу шаҳар ҳеч қандай девор билан ўралмаган бўлиб, унда ариқлар кўпдир. Кўчалари одамлар, отлар билан гавжум бўлиб, бу кўчаларда жуда кўплаб ҳар хил моллар сотилади. Шаҳар атрофида қишлоқлар ҳам жуда кўп ва тўкин-сочиндир”¹. Бу сўзлардан кўриниб турибдики, Темур ўз мамлакатининг чекка

¹ Клавихо Р. Г. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 – 1409). – М.: Наука, 1990. – С. 132.

шаҳарларининг ҳам баркамол топишида, савдо-сотиқ ва хунармандчиликнинг ривожланишида бор имкониятлардан кенг фойдаланган. Мамлакат иқтисодини юксалтиришда, аҳолининг тўқ ва тўкинлигини таъминлашда савдо-сотиқ муҳим аҳамият касб этишини яхши англаб етган Амир Темур савдонинг ривожланиши учун бор имкониятларни ишга солган. Натижада шаҳар ва қишлоқ бозорларига ҳар қаердан Хитой, Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, араб давлатлари, Рум, Миср, Европадан истеъмол маҳсулотлари оқиб келаверган. Масалан, Хитойдан ипак, ипак матолар, чинни, мушк, олмос, лаъл, марварид; Ҳиндистондан мускат-ёнғок, занжабил, долчин, қалампир-мунчоқ; Европадан матолар, пичоқлар; шимолий юртлардан эса мум, муйна, тери; араб мамлакатларидан тайёр кийимлар, шиша ва шиша буюмлар келтирилган. Савдо ҳажмининг нечоғлик катта бўлганини шундан ҳам билса бўладики, Клавихо Самарқандда бўлиб турган йили фақатгина июнь ойининг ўзида биргина Хитойнинг ўзидан 800 туя мол олиб келинган экан. Савдо-сотиқнинг бундай гавжумлиги нафақат Туркистон шаҳарларига хос бўлмай, бундай ҳолатларни салтанатнинг Табриз, Султония, Шероз, Исфохон, Кермон, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон, Ироқ, Сурия, Миср каби шаҳар ва ўлкаларида ҳам кўриш мумкин эди. Айтайлик, Эрондаги Султония шаҳрида ёз ойлари савдо шунчалар қизиқ кетар эканки, Ҳиндистон, Хитой, Туркистон, Озарбайжон, араб ўлкаларидан юзлаб, минглаб карвонлар келиб кетиб юрган. Келтирилган маҳсулотларнинг муайян қисми шу ерда қолиб, қолгани тўрт томонга олиб кетилган¹.

Амир Темур ҳукмронлигида ишлаб чиқариш ва савдо муносабатларидаги ижтимоий адолат масаласи муҳим ҳисобланганини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Яратилган шарт-шароитга, мавжуд тартибларга риоя

¹ Бўриев О. Б. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. Шарқшунослик. I - Ҷўплам. – Т.: Фан, 1990. 60 -бет.

қилмай текин даромад кетидан қувганлар жазо топиши ҳеч гап эмас эди. Чунончи, Амир Темур навбатдаги ҳарбий юришдан қайтгач ўзи йўқлигида шаҳарда аҳвол қандай бўлганини текширган. Шунда бир қатор дўконлар, жумладан қассоблар, этикдўзлар, бошмоқчилар ўз маҳсулотларини ҳаддан ташқари юқори баҳода сотганликлари маълум бўлади. Уларнинг иши дархол судга берилиб, тегишли жазосини оладилар. Суистеъмол қилинган маблағ эса тортиб олинади.

Хулоса қилиб айтганда, Соҳибқирон салтанатида юксак малакали, дунё кўрган савдогарлар, илғор тажрибага эга бўлган ҳунарманд кулоллар, заргарлар, тикувчилар, ўймакор усталар, дурадгорлар, курол ясовчилар ўз замонасининг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилишган. Уларни самарали меҳнат қилишлари учун Темур ўзининг бор кучи ва меҳнатини аямаган. Савдогар ва ҳунармандларнинг дахлсизлигини тўлиқ таъминлаган.

II. 3. Аҳолиси ва этник таркибининг ўрганилиши

Ўзбекистон тарихини, хусусан унинг қадимги замон ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда озми-кўпми ютуғимиз бор. Лекин қилинадиган ишлар, тарихимизнинг ёзилмаган саҳифалари ҳали бир талай. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник таркиби, Ўрта Осиё халқларининг чет эл истилочилари асоратига тушиб қолишининг сабаблари, Мовароуннаҳр халқларининг Темур ва темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий турмуши сингари ўнлаб илмий масалалар ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ.

Айрим тадқиқотчилар таърифича, X-XI асрларда Ўрта Осиёда тўртта уруғ-қабила иттифоқидан иборат давлатлар мавжуд бўлиб, улар ўнлаб этносларни бириктирган. Мазкур заминда аста-секин муайян ҳудуд, тил ва этник бирлик шаклланиб, ҳозирги туркий халқлар: ўзбеклар, уйғурлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, туркманлар, ва қирғизлар келиб чиққан.

Демак, ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа ўрта осийлик халқларнинг келиб чиқиши ва этник тарихини минтақадаги мураккаб этник жараёни аниқ тасаввур қилмагунча объектив баҳо бериш ниҳоятда қийин.

Мовароуннаҳрга XV аср охири ва XVI аср бошларида кириб келган Дашти Қипчоқ ўзбекларининг авлодлари учинчи гуруҳни ташкил этганлар. Турклар каби уларнинг ҳаётий фаолиятларида ҳам ярим кўчманчи ҳаёт ва уруғ-қабилавий анъаналари сезилиб турган¹. Туркларга нисбатан бу белгилар уларда анчайин кучли акс этган. Аммо, шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу гуруҳлар мавжуд барча белгиларига кўра ягона ўзбек элатининг таркибида бўлиб, унинг бир бутунлигини таъминлаган. Айнан шу фикрни бу борада катта тадқиқотлар олиб борган Б. Х. Кармышева ҳам тасдиқлаган².

Ўзларни сарт деб аташ аслида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида яшаган ўтроқ ўзбек ва тожик тилида сўзлашувчи аҳоли учун ҳос бўлсада, аммо бу нарса фарғоналикларда янада яққолроқ кўринади. Хусусан бу ерда XX аср бошларида вужудга келган ижтимоий-сиёсий ташкилотларда айна шу ном асосий ўринни олади. Масалан, Андижон жадидлари ўзларининг ижтимоий-сиёсий ташкилотларини “Ёш сартлар” деб номлашади³.

Энди бевосита Фарғона ўзбекларининг ижтимоий турмушидаги қариндош-уруғчилик анъаналарига эътибор қаратадиган бўлсак, бунда уларнинг Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида яшаган ўзбеклар билан мавжуд умумий хусусиятлар билан бир қаторда айрим ҳудудий локал хусусиятларига ҳам дуч келинади.

Аввало қариндош-уруғчилик анъаналарнинг генезиси ҳақида. Маълумки инсоният тарихининг энг қадимийги ибтидоий тўда даврида одамлар ўртасида оилавий алоқалар, шунингдек қариндош-уруғчилик

¹ Губаева С. С. Этнический состав Ферганы в конце XIX – начале XX в. – Т.: Фан, 1983. – С. 30

² Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М., 1977. – С. 67.

³ Андижон тарихидан лавҳалар. – Андижон, 2008. – Б. 72.

анъаналари хали аниқ тартибга тушмаган эди¹. Фақат ибтидоий уруғчилик босқичидагина бу муносабатларда сифат ўзгаришлари юз бера бошлади. Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида бу ерларда милoddан аввалги 12–10 минг йилликларда ибтидоий-тўдалар қон-қариндош бўлиб яшай бошлаганлигини тасдиқлайди.²

Қариндош-уруғчилик анъаналари, йирик (патриархал) оиланинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари ҳақида Ўрта Осиё халқлари оилаларини тадқиқ этган олимлардан бири Н.А.Кисляков шундай фикр билдирган “патриархал оилалар (катта оила) милoddан аввалги 1 минг йилликларда шаклланган, унинг гуллаб яшнаган даври милoddнинг дастлабки асрларига тўғри келади. Сўнгра уни оиланинг янги шакли кичик оила сиқиб чиқара бошлаган. Бундай ўрин алмашинув шаҳарларда ва умумий ривожланган ҳудудларда милoddнинг дастлабки минг йиллигининг ўрталарида, кўчманчилар орасида эса X – XII асрларда содир бўлган. Бироқ иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган ҳудудларда патриархал оиланинг парчаланиши жараёни XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларига қадар чўзилиб келган³. Ўтмишда уруғ-қабилла тузилмаси кўп бўлган: қабилла, уруғ, бўлинмалари - “тўп” уруғнинг майда бўлинмалари - “авлод” ҳисобланган⁴. Уруғ дейилганда ўзининг бир аجدодидан тарқаган ва ўзаро қариндошлик алоқалари билан боғланган умумий қариндошлик туфайли бирлашган кишилар тушунилади⁵.

Қўшни қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқлардагидек ўзбек уруғларида никоҳ экзогам бўлмасдан, аксинча уларда эндогам (кросе ва арто) кузен никоҳ яъни ўз уруғдош (амакивачча, холавачча, аммавачча) лари орасидаги

¹ Косвен М. О. Семейная община и патронимия. – М.: Наука, 1963. – С. 21.

² Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. – Т., 2007. – Б. 13.

³ Кисляков Н. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1969. – С.16.

⁴ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. (историко – этнографическое исследование на материале кипчакского компонента) – Т.: Фан, 1974. – С. 294.

⁵ Бўриев О. Ўзбек оиласи тарихидан: Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси турмушидан тарихий лавҳалар. – Т., 1998. – Б. 19.

никоҳ кенг тарқалганлиги XIX аср охирлари - XX аср бошларига келиб асли уруғ қабилавий муносабатларнинг емирилганлигини кўрсатади. Аммо айрим жамоачилик анъаналарининг сақланиб қолганлиги ҳам кузатилади¹.

Ўзбекларда қадимдан бир аجدоддан тарқалганларнинг етти авлоди (етти пушт) уруғ ҳисобланган, ҳар бир ўзбек ўзининг етти аждоди, айрим ҳолларда ўн-ўн бир аждодининг номини билиши шарт бўлган. Бу нарсага водийнинг туб жой аҳолиси ўртасида айниқса катта эътибор берилган. Бунга биз тарихий манбалар, асарлар билан танишганда ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Масалан, “Тарихи Азизий” рисоласида муаллиф “Мени отам ва етти боболарим марғилонийасл бўлар эканлар”², - деб маълумот бериб, ўзининг етти аждодининг кимлигидан бохабарлигини ва шунингдек уларни асл тубжой аҳолиси эканлигидан фахрланади.

Уруғ бошловчиси (асосчилари) - ўзбек аجدодлари “катта ота” ёки “катта бува” ёки “ўз отам” деб аталган. Бундай уруғларнинг барча аъзолари ўзларини бир аждоднинг авлоди ҳисоблаб “бир уруғ”, “қон-қариндош” деб билганлар³.

Фарғона ўзбекларининг ижтимоий турмушидаги энг қадимий ўзига ҳос удумлардан ёшига қараб гуруҳларга бўлиниш -болалик, ўспиринлик, балоғат ёши ва қарилик бўлиб, у билан боғлиқ турли урф-одат ва маросимлар ҳозиргача сақланиб қолган. Эркаклару-аёллар ёшига қараб ўз тенгдошлари билан тўртта гуруҳга бўлинган уларга ҳар жойда ҳар ҳил ном берилган (қатор, улфат, тенгкур, жўра) ва улар ўзларининг тенгкурлар даврасини ташкил қилганлар. Бир ёш гуруҳидан иккинчи ёш гуруҳига ўтиш махсус маросим орқали амалга оширилган. Ҳар бир ёшдаги гуруҳ ўзига ҳос

¹ Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданиятидан этнотарихий лавҳалар. – Т., 2003. – Б. 179.

² Тарихи Азизий: Фарғона чор мустамлақаси даврида. – Т., 1999. – Б. 71.

³ Бўриев О. Ўзбек оиласи тарихидан: Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси турмушидан тарихий лавҳалар. – Т., 1994. – Б. 19.

хусусиятларга эга бўлган ва улар кийими, безаклари, сочининг шакли, ижтимоий бурчи ва хулқ-атвори билан ҳам бир оз ажралиб турган¹.

Ўзбекларга жумладан, Фарғона водийси аҳолиси учун ҳам ҳос бўлган асосий хусусиятлардан бири бу йирик оилаларнинг мавжудлиги ҳисобланган. Йирик оила тушунчасига оила тарихи борасида катта тадқиқотлар олиб борган Косвен М. О. қўйидагича таъриф берган: “Оила жамоаси уч, тўрт, беш баъзан ундан кўпроқ яқин қариндошлар авлодидан иборат бўлган гуруҳидир. Хўжалиги моҳияти ер, ишлаб чиқариш куроллари, уй хайвони ва хўжалик мол мулкига бирга эгалик қилиш, бирга ишлаб чиқариш ва бирга истеъмол қилишдир”².

XIX асрнинг 80-йилларида фарғона ўзбекларида асосан аҳолининг ўзига тўқ қисмида йирик оилалар мавжуд бўлганлиги ҳақида В. П. Наливкин ва М. В. Наливкиналар ўзларининг асарларида маълумотлар келтиришган³. Агар айрим оилалар ўз қариндош-уруғларидан узоқ давр ажралиб кетган бўлса ҳам аجدодлар шажарасини сақлаб, зарур бўлган тақдирда ёрдам беришга тайёр бўлганлар. Шунингдек бошларига каттароқ ташвиш тушганда биринчи ўринда айнан шу инсонлар, яъни яқин қариндошлар ёрдамига таянган, улар ёрдамида ҳаётини тиклашга ҳаракат қилишган⁴. Баъзан шундай ўзаро алоқа узилган қариндошлар хатто ўнинчи авлод шажарасини ёддан билишган⁵.

Маҳалла азалий Ўрта Осиёдаги шаҳарлари тизимидаги ичидаги ҳудудий бирлик бўлиб, у бизга узоқ ўтмишдан мерос бўлиб қолган. Этнографик маълумотларга кўра маҳалла араблар истилосидан ҳам анча илгари мавжуд бўлганлигини исботлайди.⁶ Ўтмишда маҳалла муайян бир

¹ Наливкин В. Наливкина М. Очерки быта женщин туземного оседлого населения Ферганской долины. – Казань, 1886. – С. 23.

² Косвен М. О. Семейная община и патронимия. – М.: Наука, 1963. – С. 6.

³ Бўриев О. Ўзбек оиласи тарихидан: Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси турмушидан тарихий лавҳалар. – Т., 1994. – Б. 21.

⁴ Тарихи Азизий: Фарғона чор мустамлакаси даврида. – Т., 1999. – Б. 70.

⁵ Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияtidан этнотарихий лавҳалар. – Т., 2003. – Б. 182.

⁶ Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: Ижтимоий ва маънавий қадриятлар. – Т., 2007. – Б. 17.

кичик ҳудудда яшовчи одамлар бирлашмаси бўлиб, унда инсонлар фақат қўшничилик ришталари билангина эмас, балки асрлар давомида шаклланган ички-тартиб қоида, маънавий-ахлоқий меъёрлар, урф-одатлар ва анъаналар билан чамбарчас боғлангандир¹.

Алоҳида шаҳар ёки қишлоқ ижтимоий ҳаётини ташкил этиш шакли бўлган қўшничилик жамоаси қадимдан мавжуд бўлиб келган. У маҳалла, маҳаллот, ер, даҳа, жамоа, гузар, эл, ўтов каби бир неча номлар билан юритилган ҳамда жамиятнинг нафақат ҳудудий, шу билан бирга, энг қуйи маъмурий бирлиги ҳисобланган² жамоанинг ички тузилиши одамларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келган ўзларининг қон-қариндошлик ва руҳий яқинлик ҳақидаги тасаввурларига таянган, аммо баъзида бутунлай бегона ҳеч қандай қариндош уруғчилик ришталари билан боғланмаган кишилар ҳам бир-бирлари билан ўзаро яхши кўни-қўшни ҳамда аҳил маҳалла сифатида ҳаёт кечиришган. Буни биз Фарғона водийси аҳолисининг келиб чиқиши жихатидан ҳар қил уруғларга мансублиги, ёки баъзан умуман ўзбек ва қирғиз ёки ўзбек ва тожик халқи вакилларининг бир маҳаллада тинч-тотув ҳамжиҳатликда яшаганликларидан кўримиз мумкин. Фарғона водийсида узок йиллар давомида ўтроқлашаган қирғизлар билан ўзбеклар ёнма-ён қишлоқларда баъзан айнан бир қишлоқнинг ёнма-ён маҳаллаларида яшаб ўзаро савдо-сотик ишларида яқин ҳамкорлик қилишган.

Фарғона водийсининг кўпгина ҳудудларида сақланиб қолган топонимлар ҳам бу ҳудудларда дашти қипчоқ ўзбекларининг кўплаб уруғлари, шунингдек қирғиз, тожик ва қорақалпоқ халқлари вакилларининг қишлоқ ва маҳаллалари мавжуд бўлганлигидан далолат беради³.

¹ Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши.: Насаф., 2005. – Б. 131.

² Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик (тарихий этнографик тадқиқот). – Т.: Янги аср авлод., 2002. – Б. 12.

³ Губаева С. С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. – Т., 1991. – С. 33.

Қирғизлар учун ҳам ўтмишда кўчманчи ва яримкўчманчи қабилалар каби уруғ-қабилавий тузулиш хусусиятли бўлган. Улар учта йирик гуруҳга бирлашганлар: “ўнг” қанот қирғизлари, “сўл” қанот қирғизлари ҳамда “ичкилик” қирғизлари. Худди шу уруғчилик тамойилари асосида қирғизлар маълум бир ҳудудларда, хусусан фарғона водийсида ҳаёт кечиришган¹.

Илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, фарғона водийсининг шимолий қисмида қирғизларнинг ўнг қанот гуруҳига кирувчи саёқ, жедигар, бағиш, монголдор, “сўл” қанотига мансуб сари, басиз, кушчи, чанбағиш, қитёт, мундуз каби уруғ қабилалари жойлашганлар. Водийнинг жанубий қисмида эса асосан, “ичкилик” гуруҳига кирувчи бўстон, қипчоқ, тейит, найман, мунғуш, кесак, жокесак, қанди, кайгут, авот, тёлас каби уруғ-қабилалари, жанубий-шарқий қисмида, жумладан Ўш ва Аравон атрофларида қирғизларнинг адегин ва мунғуш уруғлари яшаган. Фарғонанинг шарқий ҳудудларида эса “ичкилик” гуруҳига мансуб бўстон, қипчоқ, тейит, найман, мунғуш, кесак ўнг ва сўл гуруҳларига кирувчи бағиш, могол, мундуз, басиз уруғлари истиқомат қилиб келишган².

Фарғона-Ёзёвон-Қува учбурчагида бўстон, қанди, найман, қипчоқ, жокесак каби бир нечта қирғиз уруғларининг кичик гуруҳлари жойлашган эди³. Буни ушбу ҳудуддаги баъзи бир топонимик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан жой номлари орасида этнонимлар Бўстон (бир неча қишлоқлар), Қанди, Найман (бир неча қишлоқлар) Қирғиз-қипчоқ, Қизил-қипчоқ, Кесак, Будкачи (найман уруғининг тармоқларидан), Чопқилдиқ (найман уруғининг тармоғи), Дурмонча (қипчоқ уруғининг тармоғи), Торайгир (қипчоқ уруғининг тармоқларидан), Шабада (Бўстон уруғининг тармоғи) каби этнотопонимлар учрайди.

Тейит уруғи Ўш, Андижон ва Марғилон атрофидаги ҳудудларда кўчманчи ҳаёт кечириб келишган. Тейит, Қора Тейит, Хидирша, Кўклан

¹ Абдуллаев У. Ўзбек-қирғиз этномаданий алоқалари. Жамият ва бошқарув. № 4. 2004.

² Абрамзон С. М. Киргизы и их этнические и историко-культурные связи. – Фрунзе, 1990. – С. 23.

³ Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце XX – начале XX в. – Т., 1983. – С. 45.

(охирги уч ном тейит уруғининг тармоқларини англатган) қишлоқлари ҳам айнан шу ҳудудларда жойлашган¹.

Қирғизларнинг узоқ вақт ўзбеклар билан ёнма-ён яшаши, уларнинг этник қиёфасида ўзбекларга ҳос айрим сифатларни ҳам қарор топишига ҳам сабабчи бўлган. Масалан қирғиз этнонимлари орасида қурама, қалмоқ номлари бўлган. Ахборотчиларнинг берган маълумотлари кўра ушбу номлар ҳам қирғизлар, ҳам ўзбеклар орасида учраган².

XIX аср охири – XX аср бошларида қирғизларнинг ижтимоий структураси, табақавий бўлиниши шарқнинг бошқа халқлари каби феодал патриархал хусусиятга эга бўлган. Қирғизларда феодал муносабатлар уруғ-жамоавий ва патриархал алоқалар, шунингдек ҳукмрон табақа билан тобе табақа ўртасида ўзаро ижтимоий муносабатлар тизими мажмуида ўзига ҳос кўринишга эга бўлган.

Қирғизларнинг ўтроқлашуви фақатгина уларнинг хўжалик фаолиятини ўзгариши билан оддийгина кечмаган. Бу жараён билан боғлиқ равишда бутун бир ҳаётида, уруғ-жамоа анъаналарида катта ўзгаришлар, трансформацион жараёнлар рўй берди.

Шунингдек қирғизлар ҳаётига трансформацион жараёнларни олиб кирган сабаблардан яна бири бу уларнинг ўтроқ ўзбеклар билан олиб борган кенг савдо алоқалари бўлган.

Фарғона водийси аҳолиси қадимдан савдо сотиқ билан машғул бўлиб келишган. Гарчи водийнинг ўтроқ аҳолиси учун стационар савдо шакли ҳос бўлсада, улар кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар билан ҳам қизғин савдо алоқаларини боғлаганлар. Одатда бир ўзбек, тожик, уйғур савдогарлари қирғизлар жойлашган олис овулларга бориб савдо муносабатларини амалга оширганлар. Ушбу кўчманчи чорвадор қирғизлар жойлашган ҳудудларда

¹ Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. – М.: Наука., 2004. – С. 65.

² Абрамзон С. М. Киргизы и их этнические и историко-культурные связи. – Фрунзе, 1990. – С. 38.

ҳали пул-товар муносабатлари яхши ривожланманганлиги боис, бу ерларда олиб борилган савдо-сотик асосан махсулот айирбошлашга асосланган эди¹.

Илмий адабиётлар ва манбалар асосида шуни айтиш мумкинки, ўзбеклар ва уйғурлар этник ва антропологик жиҳатдан ниҳоятда яқин аммо ўрта асрларда турли сабабларга кўра, ғарб томонга кўчган мўғул ирқиға мансуб шарқий ғузларнинг(дунгху)аралашуви уйғурларнинг этник таркибига жиддий таъсир кўрсатган². Хитой олимларининг тадқиқотларига кўра, милoddан аввалги III-II асрлар давомида уйғурлар шарқий ва ғарбий уйғурларга бўлинган. Ғарбий уйғурлар уху, ухе шарқий уйғурлар эса вэйхэ, юанхэ деб аталган³. Ғарбий уйғурлар (уху, ухэ) Тангри тоғ ва Иртиш дарёси билан Балхаш кўли оралиғида яшаган бўлишса, шарқий уйғурлар (вэйхэ, юанхэ) Сибир, Байкал (Бойкўл) кўли атрофида ва Олтойнинг шарқий томонларида яшаганлар⁴. Хитой манбаларида “Жюминг уху” (тўққиз ўғуз) ва “Жюминг хуэйхэ” (тўққиз уйғур) каби этнонимлар учрайди. Икки хил аталган бу уйғурлар аслида шарқий уйғурлар бўлиб, уларнинг таркиби уйғур, буху, хун, бойирку, тунгро, изгил, чибни, басмил, қарлук, каби тўққиз қабиладан иборат бўлган, демак, уйғур ва ўғуз этник номлари икки қисмга бўлиниб кетган бир халқнинг икки хил номи бўлган⁵. Рус ва Европа тилларидаги адабиётларида ўғуз ва уйғурларни хар хил авлодлар деб ҳисоблашган. Кейинги асрларда ўғуз деб номланган ғарбий уйғурлар (араб, форс манбаларида гузлар, ғузлар) аксарият туркий халқларнинг шаклланишида салмоқли ўрин эгаллаган⁶. Тўққиз қабиладан ташкил топган уйғурлар азалий уйғур ёки ички уйғур деб номланган. Хитой манбаларида

¹ Джамикараев А. Б. Развитие торговли в Киргизии в конце XIX - начале XX в.в. – Фрунзе, 1965. – С. 11.

² Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк Қ.Муниров ва Қ.Махмудовлар нашрга тайёрлаган. – Т., 1992. – Б. 46.

³ Фэн Узяиан, Чэнг Суло, Му Гуаньвэн. Уйғур тарихига оид маълумотларнинг қисқача тўплами. 2-жилди. – Пекин, 1981. – Б. 111.

⁴ Краткая история уйгуров. – Алма-Ата, 1991. – С. 28.

⁵ Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Т., 2007. – Б. 46.

⁶ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12 жилди. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 564.

қарлуқ ва қирғиз қабилалари уйғурлар таркибидан ажралиб чиқиб, алоҳида яшаганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Уйғурларнинг кўп авлоддан ташкил топганлиги “Шажараи турк”да қуйидагича баён қилинган. “Уйғурлар юз йигирма уруғ эл эрдилар, Чингизхоннинг набиралари замонида Мовароуннахр, Хуросон ва Ироқда девонлар ва дафтардорлар барчалари уйғур эрди”¹. Манбаларга асосланиб уйғурлар бир қабиладан кўпайган халқ эмас, балки туркий қабилаларнинг катта бир қисмидан иборат деб билишимиз лозим. Хитой манбаларидаги туркий қабилалар санаб чиқилганда 58 та бўлиб, улардан 22 таси уйғурлар таркибига киради². Кейинчалик буларнинг кўплари ўзбеклар таркибига қўшилиб кетган, шунинг учун ҳам уйғурлар яшаган жойлар Шарқий Туркистон ҳудуди билан чекланмайди. Ўтмишда уйғурларнинг бир қанча уруғ ва қабилалари кейинчалик ўзбеклар билан аралашиб кетган³. Ўзбеклар орасида уйғурлар билан аралашиб кетган оилалар талайгина эди. Бу икки халқ минг йиллар давомида Буюк Ипак йўли билан боғланиб келган. Помир ва Тангритоғ (Тяньшан)нинг ғарбий ва шарқий ҳудудлари Осиёдаги энг қадимий маданият марказлари ҳисобланиб, ушбу тоғлардаги савдо йўлларининг ғарбий томонида ўзбеклар, шарқий томонида уйғурлар фаол ҳаракат қилганлар. Икки халқ халқаро савдо ва маданий алоқаларда муҳим ўрин эгаллаб, улар орасидаги ўзаро алоқалар тўхтовсиз давом этган. Турк хоқонлиги, Қорахонийлар даврида ўзбек ва уйғур халқлари яшаган ҳудудлар ягона давлат таркибида бўлиб, кейинги асрларда Буюк Ипак йўлининг ривожланиши бу муносабатларни яна ҳам фаоллаштирди.

Умумий тил, ягона дин ва умумий маданият вакиллари бўлган икки кардош халқ ўртасидаги этник аралашув жараёнлари қадимдан ривожланиб

¹ Абулғози Баходирхон. Шажарайи турк Қ. Муниров ва Қ. Махмудовлар нашрга тайёрлаган. – Т., 1992. – Б. 30-33.

² Хўжаев А., Хўжаев К. А. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Т., 2001. – Б. 22-25.

³ Рахматуллаев Х. Динамика этнической структуры сельского населения Ферганской долины. // Расы и народы. Ежегодник. – М., 1988. Вып. XVIII.

борган. Уйғурларнинг Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келганлигининг биринчи сабаби, Буюк Ипак йўли тармоғидаги савдо-сотиқ муносабатлари бўлса, иккинчиси уйғурлар катта туркий қабилаларнинг бирикмаси ҳисобланиб, улар шарқда Мўғулистон, ғарбда Балхаш кўлигача, жанубда Ҳимолай тоғларигача бўлган улкан ҳудудларда яшаганлар¹. Шу туфайли сиёсий ва иқтисодий сабабларга кўра улар орасида миграцион жараёнлар тўхтовсиз давом этган².

Чингизхон ва унинг авлодлари даврида уйғурларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига тарқалиши кучайди. Бунинг сабаби Чингизхоннинг тўртинчи хотини Қорахонийлардан бўлиб, давлатдаги ҳужжат ёзиш ишларига асосан уйғурлар жалб қилинган³. Мўғуллар даврида кўплаб уйғур зиёлилари Ўрта Осиёнинг қатор шаҳар ва қишлоқларида жойлашиб қолганлар.

Шарқий Туркистондаги Жунғор хонлиги (1635 – 1758) ва Ёркенд хонлиги (1465 – 1759) Хитойда ҳукмронлик қилаётган Манжур сулоласи (Чин сулоласи 1644 – 1911) қўшинлари томонидан йўқ қилиб ташлангандан сўнг, XVIII асрнинг ўрталарида Или водийси ва Тарим воҳасида яшаган уйғурларнинг Фарғона водийсига кўплаб кўчиб келиши кузатилади⁴.

Уйғур халқи этник тарихини ўрганиш тарихшунослиги ва манбашунослигига мурожаат этар эканмиз, биз олиб борилган тадқиқотлар, ёзилган илмий асарларнинг даврий чегарасини ҳисобга олиб уларни учта йирик даврга ажратамиз:

I - гуруҳ 1917 йилгача олиб борилган тадқиқотлар;

II - гуруҳ Совет ҳокимияти даврида яратилган асарлар;

III - гуруҳ Совет ҳукумати парчаланганидан кейин XX аср 90-йилларидан то ҳозирги кунгача ёзилган илмий асарлар тарихшунослиги.

¹ Краткая история уйгуров. – Алма – Ата, 1991. – С. 28.

² Абдуҳамид Абдурасул ўғли Қадимда Марказий Осиё халқларининг кўчиши ҳақида "Шарқшунослик" № 9 – Т., 1999. – Б. 155.

³ Ўзбек дипломатияси. Тарихий очерклар ва лавҳалар. – Т., 2003. – Б. 44.

⁴ Абдуҳамид Абдурасул ўғли Қадимда Марказий Осиё халқларининг кўчиши ҳақида "Шарқшунослик" № 9 – Т., 1999. – Б. 156.

Уйғур халқи тарихини ўрганиш масаласи билан француз олими Ишус Клапрой ва рус олими Н. Бичуринлар¹ кенг қамровли тадқиқотлар олиб борганлар. Н. Бичурин XIX аср 20-50 йилларида илмий изланишлар олиб бориб, уйғур халқи тарихи ҳақида бой маълумотлар тўплайди. Шарқшунос олим А. Козимбек ўзининг “Исследования об уйгурах”² асарида уйғурларни қадимий туркий қабилалардан эканини исботлаб берди. “Уйғур” этноними ҳақида ҳам турли қарашлар мавжуд бўлиб, бу ҳақда муаррих Рашидиддин шундай ёзади: “Ўғузхон бутун давлатни эгаллаб, ҳокимиятни ўз қўлига олди. Ўзига пиру устоз тайинлаб, атрофига барча яқин қариндошларини тўплаб, ўзига итоат этишга мажбур этди ва уларни уйғурлар деб атади. Бу сўзнинг туркча маъноси “ёрдамлашмоқ”, “бирлашмоқ” демакдир”³.

Уйғур халқининг шаклланиш тарихини ўрганишда унга таъсир кўрсатган этник компонентлар ва сиёсий жараёнлар таъсирини ҳам эътиборга олиш керак. 1917 йилгача Синь цзин ҳудудидан кўчган уйғурларни ўрганиш борасида географик, лингвистик, иқтисодий, ҳарбий-сиёсий мақсадда тадқиқотлар олиб борилган. Уларда фақат уйғурларнинг Шарқий Туркистонда жойлашуви, машғулотлари ва ҳўжалиги ҳақида умумий маълумотлар келтирилган⁴.

Академик В. В. Радлов ҳам уйғур халқи тарихи ва маданиятига оид илмий қимматга эга бўлган бир қатор асарлар яратди⁵. Тарихий асарлари ва тадқиқотлари билан уйғур халқи тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган олим В. В. Бартольд бўлиб, унинг қатор асарларидан уйғур халқи тарихига оид қимматли маълумотларни олиш мумкин⁶. 1902 йили Тошкентда В. В. Бартольд Қашғар тарихига оид бир қўлёзмани топди ва ушбу қўлёзма

¹ Бичурин Н. Я. Собрания сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена – М – Л., 1950.

² Козимбек А. Исследования об уйгурах. Журнал Минстерства просвещения Ч. 31. 1841.

³ Класан Дж. О названии “уйгур”. Исследования по уйгурскому языку. – Алма-Ата, 1965. – С. 209-211.

⁴ Никольская Г. Б. Выходцы и Синьцзяна в Туркестане в конце XIX – начале XX вв. Автореферат. канд. дисс. – Т., 1969. – Б. 2.

⁵ Радлов В. В. К вопросу об уйгурах. – СПб., 1893. – С.126-128.

⁶ Рўзиев М. Р. Возрожденный уйгурский народ. – Алма-Аты, 1976. – С. 76.

тадқиқотчига XVI – XVII асрлардаги Шарқий Туркистоннинг ҳали ўрганилмаган даврини ўрганиш имконини берди.

Фарғона водийси этнографик жиҳатдан тарихшунослигини ўрганиш асосида уйғурларнинг ҳудудга кўчиб келгунига қадар бўлган тарихини ўрганган бир қатор олимлар, тадқиқотчиларнинг асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, Л. А. Чвырь “Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы в конце XIX – начале XX в. (очерки историко-культурных связей)”¹ асарида XIX аср охири – XX аср бошларида Шарқий Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси уйғурларнинг қўшни халқлар асосан Ўрта Осиё халқлари билан тарихий-маданий алоқалари ҳақида сўз юритилади. Муаллиф уйғурларнинг анъанавий кийимларининг фарғоналиклар билан ўхшаш эканлигига қараб, улар қадимдан алоҳида бир тарихий-этнографик ҳудудни ташкил этганлар, деб хулосага келган. Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон халқларининг этномаданий муносабатларидаги яқинлик, маданиятлардаги ўзаро умумий ўхшаш жиҳатларини яққол сезилиши ҳақидаги илмий фикрларни Б. А. Литвинский “Исторические судьбы Восточного Туркестана и Средней Азии (проблема этнокультурной общности)”² номли тадқиқотида ҳам келтириб ўтган.

Фарғона водийси аҳолисининг этник таркиби Х.Рахматуллаевнинг номзодлик диссертацияси ва бир неча илмий мақолаларида кенг ўрганилган³. Фарғона водийси аҳолисини умумий тарзда ўрганган С.С.Тубаева ҳам ўзининг икки йирик илмий тўпламларини нашр эттирди⁴. Муаллиф топонимлар таҳлили кенг архив дала маълумотлари, илмий адабиётлардан фойдаланган ҳолда водийнинг бир қатор этнослари ўзбеклар, тожиклар,

¹ Чвырь Л. А. “Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы в конце XIX – начале XX в. (очерки историко-культурных связей)”. – М., 1991.

² Литвинский Б. А. “Исторические судьбы Восточного Туркестана и Средней Азии (проблема этнокультурной общности)” Восточный Туркестан и Средняя Азия. – М., 1994.

³ Рахматуллаев Х. Динамика этнической структуры сельского населения Ферганской долины. // Расы и народы. Ежегодник. – М., 1988. Вып. XVIII.

⁴ Тубаева С. С. Этнические состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. (по данным топоними) – Т., 1983. Шу муаллиф: Основные направления этнических процессов в Ферганской долине в конце XIX – начале XX в. (к проблеме поддних этапов этнической истории Средней Азии). – Т., 1991.

киргизлар, уйғурлар, Ўрта Осиё яхудийлари, лўлилар ва улар ўртасидаги этник муносабатларни, этник тарихни ўрганди.

Ўзбеклар Фарғона водийсида энг кўп сонли этнослар бўлиб, ушбу ҳудудда рўй берган этнослараро муносабатларда муҳим рол ўйнаган. Губаеванинг асарида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Фарғона водийси ўзбек тилли аҳолиси орасида алоҳида ўрин эгаллаган уч суб этнос: сартлар, турк ва турк-мўғул қабилаларининг авлодлари ва Дашти Қипчок ўзбекларининг авлодлари масаласига кенг эътибор берган, Губаеванинг иккинчи бир монографиясида Фарғона водийсининг Россия империяси босиб олгандан кейинги даврдаги этнослараро муносабатлар, этнослараро консолидация, ассимиляция, интеграция масалалари ўрганилган. Юқоридаги олимлар, тадқиқотчиларнинг асарларида Фарғона водийсидаги этносларнинг этник тарихи, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, моддий маънавий тадқиқот объекти сифатида ўрганилган.

Ўзбекистон мустақиллика эришгач Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишнинг янги бир босқичига қадам қўйилди. Ўзбек халқи шаклланиши жараёнида кўплаб этник компонентлар қатнашиб, уларнинг этник тарихи, яшаган ҳудудларини ўрганиш борасида жуда кенг миқёсда тўпланган археологик, антропологик, эпиграфик, лингвистик ва этнографик маълумотлар асосида ўзбек халқи тарихини янгидан ёритиш мақсадида йирик фундаментал тадқиқотлар олиб борилди. К. Ш. Шониёзов ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласида бир неча йирик фундаментал асарлар яратди. Олимнинг мустақилликдан сўнг эълон қилинган “Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари (1998)”, “Ўзбек халқи шаклланиш ҳаракатининг айрим масалалари” (1999)¹ мақолаларида мураккаб этник жараёнлар борасидаги методологик қарашларни баён қилди. Айниқса олимнинг вафотидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институти раҳбарияти, бир қатор олимлари таҳрирлигида нашр этилган

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т. : Шарқ, 2001. – Б. 4.

“Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” (2001) асари ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига бағишланган йирик тадқиқотдир.

Мустақилликдан сўнг олиб борилган илмий тадқиқотлардан У. Абдуллаевнинг “Фарғона водийсидаги этнослараро жараёнлар” илмий изланишлари диққатга сазовор, тадқиқотчи водийда истиқомат қилувчи турли этносларнинг моддий, маънавий маданияти, хўжалиги улар ўртасидаги этномаданий муносабатлар ҳақида кенг қамровли илмий манбалар, дала маълумотлари тўплаб йирик фундаментал асар яратди¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қадимдан Ўрта Осиё халқлари билан иқтисодий, маданий алоқаларда бўлиб келган уйғур халқи тарихшунослиги, манбашунослиги жуда кенг бой илмий манбаларга таянади, аммо, уйғур халқининг ҳудудлараро миграцияси жумладан, Фарғона водийсига кўчиб ўтиши, маҳаллий этнослар билан иқтисодий хўжалик, маданий-маиший муносабатлари, турмуш тарзидаги анъанавийлик ва замонавийлик муаммолари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ўзбек-уйғур этномаданий муносабатларини ўрганиш асрлар давомида Ўрта Осиё ҳудудида ёнма-ён яшаб аралашиб кетган кўп сонли этносларнинг этник тарихи, хўжалиги, моддий ва маънавий маданиятини ўрганишдек долзарб,хайрли ишнинг узвий бир қисмидир.

¹ Абдуллаев У. Фарғона водийсидаги этнослараро жараёнлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 12.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, XV-XVIII асрларда Марказий Осиё тарихий географияси манбалари ҳақида маълумот берадиган бўлсак, бу даврда Марказий Осиёда тарихий-географик билимлар ривожланди. Бунга мисол қилиб, ўрта асрлар учун бой мерос бўлиб қолган араб, форс ва туркий тилларда ёзилган манбаларни айтишимиз мумкин. Табиийки, тарихий-географик маълумотлар биринчи навбатда географик ва тарихий-географик асарлардан кўпроқ ўрин олган.

Марказий Осиё сайёрамиздаги табиати мураккаб ва маданияти қадимий ўлкалардан бири бўлиб, унинг тарихий географиясини битта илмий тадқиқотда қамраб олиш мушкулдир, уни алоҳида даврлар бўйича ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёзма манбалардаги тарихий-географик маълумотлар ана шу манбаларни тўла ёки уларнинг айрим қисмларини нашр этиш ва таржима қилиш, қисқача тавсифлаш, уларга таяниб илмий тадқиқотлар ёзиб чоп этиш йўли билан жамоатчилик эътиборига етказиб борилади. Темурийлар даври тарихига бағишланган ҳозирги мавжуд тадқиқотларнинг асосий қисми тарихий мавзулардан иборат ва тарихий географияга дахлдор илмий изланишлар жуда кам.

Ер шари табиатини жамият тараққиётининг маълум бир босқичида ўрганишда ёзма мероснинг аҳамияти катта. Зеро, унда табиатнинг турли элементларига дахлдор маълумотлар қайд этилган.

Ёзма манбаларида Марказий Осиё табиати ва унда жамиятнинг тутган ўрни ҳақида анчагина қимматли маълумотлар бор. Бу маълумотларни тарихий-географик талаб асосида жамлаш, маълум тартиб ва услубда тадқиқ этиш натижасида ўлка табиатининг бугунги ҳолатини кўрсатиш, жамият фаолиятига баҳо бериш ва тегишли хулосалар чиқариш учун имкон туғилади. Шу боис, ҳар доим ёзма манбаларидаги Марказий Осиё табиати ҳақида

берилган маълумотларга тўхтаб, сўнгра, ободончилик хусусида фикр юритилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримов асарлари

1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1999.
3. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат. // Мулоқот. 1998, №5.
4. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2010.

II. Манбалар

5. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳраин. Форс-тожик тилидан таржима, – Т., 1969.
6. Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк Қ. Муниров ва Қ. Махмудовлар нашрга тайёрлаган. – Т., 1992.
7. Амир Темур аждодлари (Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида терма-таржима). Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Омонулла Бўриев. Маъсул муҳаррир А. Ўринбоев. – Т., 1992.
8. Бобур. З. М. Бобурнома. – Т.: Фан, 1960.
9. Бўриев О. Б. Шарқшунослик. I. Тўплам. – Т.: Фан, 1990.
10. Вяткин В. А. Самарканд и его окрестности в прошлом, по описанию Султана Бобур Мирзы (перевод из книги Бабурнамы) СКВД вып. IV. – Самарканд, 1896.
11. Клавихо Р. Г. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 – 1409). – М.: Наука, 1990.

12. Наливкин В. Наливкина М. Очерки быта женщин туземного оседлого населения Ферганской долины. – Казань, 1886.
13. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тауэр наشري. – Прага, 1937; 1956.
14. Низомиддинов И. Сайёҳларнинг ёзганлари. – Т.: Ўздавнашр, 1960.
15. Тарихи Азизий: Фарғона чор мустамлакаси даврида. // Тошкент, 1999.
16. Хондамир. Ҳабиб ус-сияр. Жалолиддин Ҳумойи наشري. Техрон, 1954.
17. Ҳофиз Абру. География ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 5361 (форс тилида).
18. Худуд ул-олам / Масъул муҳаррир Мирсодиқ Исҳоқов. – Т.: O'zbekiston, 2007.
19. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари. 1360 – 1370. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Омонулла Бўриев. Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи Асомиддин Ўринбоев. – Т., 1994.

III. Адабиётлар

20. Абаева Т. Рус ва Ўрта Осиёлик сайёҳларнинг шарқ ҳақидаги илк маълумотлари (XII – XVII асрлар) . – Т.: Ўзбекистон, 1997.
21. Абдуллаев У. Фарғона водийсидаги этнослараро жараёнлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.
22. Абдураимов М. А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. – Т.: Фан, 1970.
23. Абрамзон С. М. Киргизы и их этнические и историко-культурные связи. – Фрунзе, 1990.
24. Агзамова Г.А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунарамандчилик ва савдо. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

25. Азатьян А. А. Основные географические проблемы Средней Азии и их динамике. – Т.: Фан, 1974.
26. Акимушкин О. Ф. Хронология правителей восточной части Чагатайского улуса (линия Туглик – Тимур – хана). // Сб. Восточный Туркестан и Средняя Азия. История. Культура. Связи. Под редакцией Б. А. Литвинского. – М., 1984.
27. Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовароуннахрда боғчилик хўжалиги тарихи. – Т., 1984.
28. Андижон тарихидан лавҳалар. – Андижон. 2008.
29. Ахмедов Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. Письменные памятники. – Т., 1985.
30. Ахмедов Н. А. Тиловов А. Т. Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-сиёсий ҳаёт. – Самарканд, 1993.
31. Аҳмедов Б. А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари (Қадимги ва ўрта асрлар), – Т., 1992.
32. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
33. Бартольд В. В. Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XVII века. // Соч. т. III. – М., 1965.
34. Бартольд В. В. Хафиз Абру и его сочинения. // Соч. Т.VIII. – М., 1973.
35. Бартольд В. Сведения об Аральском море и низовьях Аму - Дарьи с дрейнейших времен до XVII века // Отд. Имп. Русск. Геогр. Общ-ва Т. IV. – Т., 1902.
36. Бичурин Н. Я. Собрания сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена – М – Л., 1950.
37. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
38. Бўриев О. Ўзбек оиласи тарихидан: Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси турмушидан тарихий лавҳалар. – Т., 1994.

39. Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши.: Насаф, 2005.
40. Губаева С. С. Этнические состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. (по данным топоними). – Т., 1983.
41. Губаева С.С. Основные направление этнических процессов в Ферганской долине в конце XIX – начале XX в. (к проблеме поддних этапов этнической истории Средней Азии). – Т., 1991.
42. Гуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т.: Ўзфанакадемнашр, 1959.
43. Дементьев В. А., Андрущенко О. Н. История географии. Часть первая. – Минск, 1962.
44. Джамикараев А. Б. Развитие торговли в Киргизии в конце XIX – начале XX в.в – Фрунзе, 1965.
45. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданиятидан этнотарихий лавҳалар. – Т, 2003.
46. Жўрақулов О. Қашқадарё манғитлари. – Т.: Фан, 1993.
47. Златкин И. Я. История Джунгарского ханства, 1635 – 1758. Изд. Второе. – М.: Наука, 1983.
48. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т., 1993.
49. Камолиддинов Ш. Ўрта аср хариталарида Ўзбекистон. // Фан ва турмуш. 2005 йил, № 2-3.
50. Кармишева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистан и Узбекистана. – М., 1977.
51. Кисляков Н. Очерки по истории семьи и брака у народов Средний Азии и Казахстан. – Л., 1969.
52. Клосан Дж. О названии “уйгур”. Исследования по уйгурскому языку. – Алма-Ата, 1965.
53. Косвен М. О. Семейная обшена и патронимия. – М.: Наука, 1963.

54. Литвинский Б. А. Исторические судьбы Восточного Туркестана и Средней Азии (проблема этнокультурной общности) Восточный Туркестан и Средняя Азия. – М., 1994.
55. Магидович И. П., Магидович В. И. Очерки по истории географических открытий. 4 томах. – М.: Просвещение, 1982.
56. Мўминов И. М. Самарканд тарихи. – Т., 1971.
57. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т., 1994.
58. Никольская Г. Б. Выходцы из Синьцзяна в Туркестане в конце XIX – начале XX вв. Автореферат. канд дисс. – Т., 1969.
59. Радлов В. В. К вопросу об уйгурах. – Спб., 1893.
60. Рахматуллаев Х. Динамика этнической структуры сельского населения Ферганской долины. // Расы и народы. Ежегодник. – М., 1988. Вып. XVIII.
61. Раҳимбеков Р. У., Донцова З.Н. Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи – Т.: Ўқитувчи, 1982.
62. Рўзиев М. Р. Возрожденный уйгурский народ. – Алма-Аты, 1976.
63. Сагдуллаев А. С. Қадимги Ўзбекистон ёзма манбаларда. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
64. Саидбобоев З. А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI – XIX асрлар). – Т.: Фан, 2008.
65. Саидбобоев З. А. Тарихий география. – Т.: Ношир, 2008.
66. Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. – Т., 2007.
67. Сухарева О. А. К истории Бухарского ханства (историко географический очерк). – Т.: Фан, 1958.
68. Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик (тарихий этнографик тадқиқот). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

69. Тўхтаев И. Т. Темур ва темурийлар сулоласининг тангалари. – Т.: Фан, 1992.
70. Ўзбек дипломатияси. Тарихий очерклар ва лавҳалар. – Т., 2003.
71. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12 жилд. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
72. Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. – Т., 1960.
73. Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991.
74. Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. – М.: Наука, 2004.
75. Фэн Узаян, Чэнг Суло, Му Гуанъвэн. Уйғур тарихига оид маълумотларнинг қисқача тўплами. 2-жилди. – Пекин, 1981.
76. Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Т, 2007.
77. Хўжаев А., Хўжаев К.А. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Т., 2001.
78. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т., 1965.
79. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёга саёҳатлар. – Т.: Ўзбекистон, 1954.
80. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. – Т.: Ўзбекистон, 1964.
81. Чвырь Л. А. “Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы в конце XIX – начале XX в. (очерки историко-культурных связей)”. – М., 1991.
82. Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. (историко – этнографическое исследование на материала кипчакского компонента) – Т.: Фан, 1974.
83. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001